

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 30 (1302) • 2019 йил 23 июль

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОҢДА

### ДИВИДЕНДЛАР МОЛ-МУЛК БИЛАН БЕРИЛГАНДА ҚҚС ТЎЛАШ

Мазкур ҳолда ҚҚС солинадиган объект юзага келадими?

3-бет

Қайтарилган товарга нақд пул бериш мумкинми?

5-бет

Компенсация тўланадиган таътил кунлари сонини ким ҳисоблайди?

6-бет

Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ

13-14-бетлар

Товарни баҳолашга доир қоидалар

15-бет

Божхона: ҳужжатларда номи чиқмади

16-бет

## ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШНИНГ ИЛК МАЖЛИСИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикасида 2019–2021 йилларга мўлжалланган таркибий ислохотларнинг асосий йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича Иқтисодий кенгашнинг биринчи мажлиси ўтказилди.

Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосан ташкил этилган тадбирда иқтисодий соҳадаги «Йўл харитаси»нинг муайян йўналишлари бўйича стратегиялар, тушунчалар, дастурлар, ёндашувлар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш Иқтисодий кенгашнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов бошчилигидаги Кенгаш таркибига Бош вазир ўринбосари – молия вазири Ж.Кўчқоров, Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.Мавлонов, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Г.Саидова, Марказий банк бошқаруви раиси М.Нурмуратов, Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Бизнес Омбудсмани Д.Қосимов, молия вазирининг биринчи ўринбосари Т.Ишметов ва бошқалар киритилди.



O'ZBEKISTONDA ENERGETIKA SOHASIDAGI ISLOHOTLAR  
ENERGY SECTOR REFORMS IN UZBEKISTAN

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир муҳокамаларда Жорж Вашингтон университети бизнес ва халқаро алоқалар бўйича профессори, «Growth Dialogue» экспертлар тармоғи бошқарувчи директори Дэнни Лейшпигер (АҚШ), Чили миллий нефть компанияси бош директори ва ушбу мамлакатнинг собиқ энергетика вазири Марсело Токман Фаол қатнашди.

Мажлисда қатор вазирлик ва идоралар, халқаро молия институтлари, жумладан, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, БМТ Тараққиёт дастури вакиллари ҳам иштирок этди.

Иштирокчилар 2019–2021 йилларда амалга оширилиши кутилаётган ислохотларнинг устувор 9 йўналишини белгилаб олди. Макроиқтисодий бар-

қарорлик, энергетика тармоғини мустаҳкамлаш, инсон капитали ва ижтимоий химоя омиллари, хусусий секторни молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш, ташқи ва ички савдо ҳамда транспортни ривожлантириш, барқарор урбанизация, шаҳарлар тараққиётини жадаллаштириш йўналишлари шулар жумласидандир.

– Мажлисда энергетик секторни мустаҳкамлаш ва микромолиялаштириш масалалари агрофича муҳокама қилинди, – дейди молия вазирининг биринчи ўринбосари Т.Ишметов. – Бу соҳада рақобатни таъминлаш, электр ва газ секторини ривожлантириш бўйича комплекс стратегия ишлаб чиқилади. Шунингдек, корхоналарни молиявий соғломлаштириш чоралари кўрилади. Тоza энергия ишлаб чиқаришга ўтиш,

2-бетда

## ИМТИЁЗЛАР БЕКОР ҚИЛИНИБ, СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ ЯРАТИЛМОҚДА

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон (27.06.2019 йилдаги ПФ-5755-сон) дастлаб бир хил талқин қилингани йўқ: ҳужжат билан бир қатор имтиёзларнинг бекор қилиниши бюджетнинг даромад қисмини тўлдиришга қаратилган, қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини ҳосил қилиш эса нарх-навонинг кескин кўтарилишига олиб келиши мумкин, деган хавотирларни келтириб чиқарди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармасида ушбу Фармон мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида эса бундай асосиз хавотирларга ўрин йўқлиги таъкидланди. Мазкур бошқарма бошлиғи Б.Дадаматов қабул қилинган ҳужжат мамлакатимизда айнан рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш,

тадбиркорликни ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва рағбатлантириш ҳамда ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган солиққа тортиш ва божхона-тариф тизимини тартибга солишга қаратилганлигини таъкидлади.

Хусусан, Фармонга мувофиқ 2019 йил 1 октябрдан бошлаб бир қатор товарлар, хом ашё, материал ва технологик жиҳозлар импортида ҚҚС бекор қилинди. Яъни яқка тартибдаги имтиёзларни бекор қилиш орқали бизнесда соғлом рақобат муҳити шакллантирилаётгани, тадбиркорларга солиқ таси баб-баравар тақсимланаётгани қайд этилди. Шу билан бирга Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси бошқа идоралар билан ҳамкорликда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда божхона тўловларидан имтиёз бериш тартибини батафсил кўриб чиқиб, аввал берилган имтиёзларни бекор қилиш бўйича 2019 йилнинг



1 августига қадар тақлиф қилиниши, бунда асосий эътиборни ҚҚС тўловчиси бўлган хўжалик юритувчи субъектларга товарларни олиб кирганда, шунингдек, иш (хизмат)ларни импорт қилганда булар учун ҚҚСдан имтиёз ўрнига 120 кунгача бўлган муддатга ҚҚСни тўлашни кечиктириш механизмларидан фойдаланиш, технологик асбоб-ускуналар учун

божхона имтиёзларини бериш механизмини такомиллаштириш ва оптималлаштиришга қаратиш лозимлиги кўзда тутилган.

Шунингдек, Фармонга мувофиқ, 2019 йил 1 октябрдан 22 та ҳужжатнинг солиқ ва божхона имтиёзларига тегишли бандларини бекор қилиш, ўзгартириш ва

16-бетда

ДАВРА СУҲБАТИ



## ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШНИНГ ИЛК МАЖЛИСИ

← **1-бетда** хизматлар сифатини яхшилаш орқали янги бозор иштирокчилари салоҳияти оширилади. Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, халқаро шериклар билан ҳамкорликда қарийб барча вилоятларда ИЭС ва ГЭСлар, электр тармоқлари қуриш, модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 1,9 миллиард долларлик 16 лойихани амалга ошириш режалаштириляпти.

Ингилишда Иқтисодий кенгашнинг биринчи мажлиси баённомаси қабул қилинди.

Мажлисга бағишлаб ташкил этилган брифингда мутахассислар солиқ ислохотлари, давлат молияси бошқарувини такомиллаштириш, қарздорлик ва бюджетларро муносабатлар юзасидан амалга ошириладиган ишлар хусусида маълумот берди.

Мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантириш ва иш ўринлари яратишга йўналтирилган иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Жаҳон банкининг 500 миллион долларлик «Иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси амалга оширилади.

Энергетика соҳаси муҳокама қилинган давра суҳбатига тармоқ корхоналарини тижоратлаштириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, тариф ислохотларини такомиллаштириш, бунда инвестицион дастур ва хусусий сектор иштирокини таъминлаш каби тақлифлар илгари сурилди. Таъкидланганидек, хусусий сектор объектлари хорижий компаниялар билан ҳамкорликда шомол электр станциялари қуришни режалаштирган. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида бунинг учун зарур шарт ва имкониятлар мавжуд.

Мутахассислар бу каби сай-ҳаракатларга хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш, тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ў.А.



Суратлар Ў.Адан олинди.



«Туризм тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда эълон қилинди (18.07.2019 йилдаги ЎРҚ-549-сон Қонуни).

Ҳужжатда тушунча аппарати кенгайтирилди: «гид (гид-таржимон)», «йўриқчи-йўл бошловчи», «экскурсант», «мустанкил туризм» ва бошқа атамалар киритилди.

Туризмнинг таснифи пайдо бўлди:

- шаклига кўра – халқаро (кириш ва чиқиш) ва ички;
- турларига кўра – маданий-тарихий, зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик, ижтимоий, спорт, тиббий, ёшлар туризми, агротуризм ва бошқа турлари.

Қонунда Давлат туризм кўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ва Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг (2017 йил август ойида ташкил этилган) ваколатлари белгиланган, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТнинг соҳа тадбирларидаги иштироки баён этилган. Бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгиланган.

Жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш объектлари ва кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, даволаш-соғломлаштириш, жисмоний тарбия-спорт ҳамда бошқа мақсадга мўлжалланган объектлар, туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, экскурсия хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар мажмуи, шунингдек экскур-

сия етакчиларининг, гидлар (гид-таржимонлар) ҳамда йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари мажмуи туристик индустрия этиб белгиланган. Туриндустрия объектларини таснифлаш ва уларга тоифалар бериш ихтиёрий асосда Давлат туризм кўмитаси ҳузурдаги аккредитация қилинган ташкилот томонидан амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларни туристик ресурслар ҳамда туристик индустрия объектлари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек туристик бозорларда туристик маҳсулотларни тарғиб қилиш учун шу жумладан ДХШ асосида туристик ахборот марказлари ташкил этилиши мумкин. Уларнинг лойиҳалари ҳамда уларда реализация қилинадиган товарларнинг (ишлар ва хизматларнинг) рўйхати Давлат туризм кўмитаси билан келишилади. Эслатиб ўтамиз, туристик ахборот марказларини очиб ўрта муддатли истиқболга туризм соҳасида давлат сиёсатининг устуворликларидан бири этиб белгиланган.

Янги Қонуннинг алоҳида боби туристик зоналар ва кластерларга бағишланган. Биринчиси учта турга бўлинади: эркин туристик зона (ЭИЗга тенглаштирилади; шу каби зона Чорвоқда ташкил этилган, тахр.), кичик туристик зона (КСЗга тенглаштирилади; Сурхондарё вилояти, Урганч ва Хивада мавжуд) ва махсус туристик зона. Туристик кластер – комплекс туристик хизматлар ҳамда

туристнинг ва экскурсантнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун зарур бўлган бошқа кўшимча хизматлар кўрсатувчи мустанкил ташкилотлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар мажмуи.

Қуйидагилар тармоқни давлат томонидан тартибга солиш дастаклари ҳисобланади:

- туроператорлар ва турагентларни лицензиялаш (экскурсия хизматлари кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга лицензия талаб қилинмайди).

- туроператор хизмати, жойлаштириш воситалари, тоғ чанғиси трассалари ва пляжлар, шунингдек гидлар (гид-таржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчиларни мажбурий равишда сертификатлаштириш;

- туроператорлик, турагентлик фаолиятини ва туристик индустрия объектларини стандартлаштириш.

Бундан ташқари, қонунда туристик маҳсулотни шакллантириш, тарғиб этиш ва реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, соҳа субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни бирлаштириш тартиби, шунингдек туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлиги қафолатлари акс этган.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 20.10.2019 йилдан қучга киради.

Олег ЗАМАНОВ,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗ ТУРИСТИК ИНДУСТРИЯСИГА НИМАЛАР КИРАДИ

#### УШБУ СОНДА:

##### • УСТУВОРЛИКЛАР

– Иқтисодий кенгашнинг илк мажлиси

1-2-бетлар

##### • БОЖХОНА

– Имтиёзлар бекор қилиниб, соғлом рақобат муҳити яратилмоқда  
– 2-усулнинг айрим жиҳатлари  
– Тўловлардан бўйин товлаб

1, 15-16-бетлар

##### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Мамлакатимиз туристик индустриясига нималар киради

2-бет

##### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Дивидендлар мол-мулк билан берилганда ҚҚС тўлаш  
– Ҳар бир тартиб учун – ўз ҳисоботи  
– Сувдан фойдаланиш жойи бўйича  
– Жорий тўловлар: кечиктиришнинг оқибатлари  
– Сувдан фойдаланганда солиқни тўланг

– Ёқилғига акциз – реализация қилиш нархида

– Солиқ солинмайди

3-4-бетлар

##### • ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Грант: ҳисобга олиш жиҳатлари  
– Товар учун тўланган пуллар қандай қайтарилади  
– Импорт бўйича курс фарқи  
– Истеъмолчи учун қвитанция  
– Кассадаги қолдиқ лимитини қандай ошириш мумкин  
– Таътил учун компенсация

5-6-бетлар

##### • БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи мисоллар ва ҳисоб-китобларда

7-11-бетлар

##### • АМАЛИЙ ТАКЛИФ

– Оммавий оферта

12-бет

##### • БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– 2019 йилнинг июль ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олиннадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби услубияти

13-14-бетлар

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиб, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.




**?** Муассисга дивидендлар ҳисобига кўчмас мулк – бинони бермоқчимиз. Масалан, дивидендлар суммаси – 10 000 минг сўм (дивидендлардан олинadиган солиқ чегирилган ҳолда), бинонинг қолдиқ қиймати – 9 900 минг сўм. Мазкур ҳолда ҚҚС солинадиган объект юзага келадими, бунда мол-мулк кўчмас ёки бошқа АВ бўлиши аҳамиятлими?

## ДИВИДЕНДЛАР МОЛ-МУЛК БИЛАН БЕРИЛГАНДА ҚҚС ТЎЛАШ

– Муассисга (иштирокчи-га) дивидендлар тўлаш ҳисобига ТМБ берилиши (кўчмас мулк ёки корхонанинг бошқа активлари бўлиши аҳамиятсиз) ҚҚС солинадиган реализация қилиш сифатида баҳоланади (Солиқ кодексининг 199-моддаси 1-қисми 1-бандининг 6-хат-боиши).

Асосий воситаларни, номоддий активларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни реализация қилиш чоғида солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, бироқ уларнинг қолдиқ (баланс) қийматидан кам бўлмаган, ҚҚС киритилмаган ҳолда аниқланади (Солиқ кодексининг 204-моддаси 8-қисми).



**МИСОЛ.** Муассисга дивидендлар бўйича қарз дивиденд солигини чегирган ҳолда 10 000 минг сўмни ташкил қилади. Бинони бериш пайтида унинг қолдиқ қиймати 9 900 минг сўмга тенг бўлган. АВ берилаётган қиймат эса 10 000 минг сўмни ташкил қилган.

ҚҚС суммаси ТМБни бериш қийматидан (10 000 минг сўм ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) келиб чиқиб ҳисобланади ва 1 666,67 минг сўмни (10 000 / 120 x 20) ташкил қилади. Бунда у бинонинг қолдиқ қийматидан ҳисобланган ҚҚСдан кам бўлмаслиги керак: 9 900 x 20% = 1 980 минг сўм.

Сизнинг ҳолатда қолдиқ қийматдан ҚҚС ТМБни бериш қийматидан ҳисобланган ҚҚСдан кўп бўлганлиги сабабли солиқ катта суммдан ҳисобланиши керак.

Бинони дивидендлар ҳисобига беришда ҳисобланган ҚҚС 1 980 минг сўмни ташкил қилади.

\*\*\*

**?** Корхонамиз ҚҚС тўловчи ҳисобланади. Июнь ойида муассислар таркибидан чиқиб кетаётган муассисга бинони бердик. Бино қолдиқ қиймати бўйича берилди.

Бу вазиятда ҚҚС ҳисоблашимиз керакми? ҚҚС суммаси қандай ҳисобланади, яъни ҳисоб-китоб учун қайси сумма олинади?

– Юридик шахснинг муассиси муассислар таркибидан чиққанда (чиқиб кетганда), шу жумладан тугатилганлик (банкротлик) ёки қайта ташкил этилганлик муносабати билан чиққанда, унга дастлабки ҳисса доирасида мол-мулкни бериш реализация қилиш обороти бўлмайди. Шу сабабли мол-мулк ҚҚС ҳисобланмасдан қайтарилади (Солиқ кодексининг 199-моддаси 2-қисми 5-банди).

Муассис иштирокчилар таркибидан чиқиб кетаётганда берилаётган мол-мулк қиймати дастлабки ҳиссадан ошадиган бўлса, ошган сумма дивиденд ҳисобланади. Мазкур ҳолатда мол-мулкни бериш солиқ солинадиган реали-

зация қилиш обороти ҳисобланади ва ҚҚС тўлаш мажбурияти юзага келади (Солиқ кодексининг 199-моддаси 1-қисми 1-бандининг 6-хатбоиши).

Асосий воситаларни, номоддий активларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни реализация қилиш чоғида солиқ солинадиган база уларни реализация қилиш қиймати асосида, бироқ уларнинг қолдиқ (баланс) қийматидан кам бўлмаган, ҚҚС киритилмаган ҳолда аниқланади (Солиқ кодексининг 204-моддаси 8-қисми). Сизнинг ҳолатда мол-мулк дастлабки ҳиссадан ошадиган қиймат бўйича берилгудек бўлса, ошган сумма солиқ солинадиган база бўлади.

**МИСОЛ.** Бинони бериш чоғида унинг қолдиқ қиймати 100 млн сўмни ташкил қилади.

| Чиқиб кетаётган муассиснинг УФдаги ҳиссаси | 80 млн сўм  | 100 млн сўм | 120 млн сўм                           | 150 млн сўм                           |
|--|-------------|-------------|---------------------------------------|---------------------------------------|
| Бино чиқиб кетаётганда ҚҚС                 | мавжуд эмас | мавжуд эмас | 3,3 млн сўм<br>(120 – 100) / 120 x 20 | 8,3 млн сўм<br>(150 – 100) / 120 x 20 |

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

## ҲАР БИР ТАРТИБ УЧУН – ЎЗ ҲИСОБОТИ

**?** 2019 йилнинг январида соддалаштирилган ҚҚС тўладик. 2019 йилнинг февралдан умумбелгиланган ҚҚС тўлашга ўтдик. Февраль ойи учун ҚҚС ҳисоб-китобига 5-илова қандай тўлдирилади: ортиб борувчи якун биланми ёки фақат февраль ойи учун сумма кўрсатиладими?

– Соддалаштирилган ва умумбелгиланган ҚҚС тўловчилар учун турли ҳисобот шакллари назарда тутилган (3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Январь–февраль ойлари учун умумбелгиланган ҚҚС бўйича ҳисоботда фақат февраль ойида тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар акс эттирилади, сабаби январь ойи учун ҳисобварақ-фактуралар соддалаштирилган ҚҚС шаклларида кўрсатилган.

Тегишинча, корхона соддалаштирилган ҚҚС шаклларида соддалаштирилган ҚҚС ҳисоб-китобига 3-«Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисоб-

варақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестри» иловасида фақат январь ойи учун ҳисобварақ-фактураларни кўрсатади.

Февраль ойдан корхона умумбелгиланган ҚҚС ҳисоб-китобига 5-«Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган ҳужжатлар) реестри» иловасига 1 февралдан тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларни киритади.

Яъни январь–февраль ойлари ва йил охирига қадар ҚҚС бўйича 2 та ҳисобот топширасиз ва реализация қилинган товарлар бўйича ҳисобварақ-фактураларнинг 2 реестрини юритасиз.

## СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖОЙИ БЎЙИЧА

**?** Шаҳарда жойлашган корхонамиз туман сув чиқариш корхонаси билан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун техник сув етказиб бериш шартномасини тузди. Каналдан сувни туманда оламиш. Сув ётқизилган қуверлардан келади ва корхонамизнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Корхонада (шаҳарда) сувдан фойдаланиш жойида ҳисоблагич ўрнатилган.

Сувни олиш ва ундан фойдаланиш турли жойларда бўлганда, Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби қайси солиқ ортиганига топширилади?

– Бу савол билан Тошкент вилояти ДСБга мурожаат қилдик ва қуйидаги жавобни олдик:

«Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан сувдан фойдаланишни ёки сув истеъмолини амалга оширувчи қуйидаги шахслардир:

юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари; фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари; тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар; юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқлари.

Аҳоли пунктларининг сув таъминоти учун сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар фақат ўз эҳтиёжларига ишлатиладиган сув учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчи ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби сув чиқариш ёки фойдаланиш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига бир йилда бир марта тақдим этилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, корхона Ҳисоб-китобни сувдан фойдаланиш жойи бўйича топширишига ҳақли».

## ЭЪЛОН

«Best Auto Auktion» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «TOSHKENT MEKANIKA ZAVODI» АЖнинг 2019 йил 28 июндаги Д-379-сонли бузорт-маномасига асосан, «TOSHKENT MEKANIKA ZAVODI» АЖнинг «Евразия ТАПО-Диск» МЧЖ ҚҚ устав фондлагич 40,49% улуши 36 012 587 242 сўм бошлангич нархда қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 23 август куни соат 14.30 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш куллари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш 2019 йил 22 август куни 18.00 да тўхтатилади.

Юқоридagi мулк 2019 йил 23 августдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 9 ва 24 сентябрь, соат 10.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо куллари учун аризаларни қабул қилиш 9 сентябрдаги савдо учун 6 сентябрь ва 24 сентябрдаги савдо учун 23 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 5 фонидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини АТБ «Капиталбанк» ТШФ х/р: 2028000900805784001, МФО: 00445, СТИР: 305089257

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Осені кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99895) 144-66-55, +998909004426. Электрон почта манзили: bestautoauktion@mail.ru. Гувоҳнома: №547246.



## ЖОРИЙ ТЎЛОВЛАР: КЕЧИКТИРИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

**?** Корхона 2019 йилнинг 9 апрелида II чорак учун тахмин қилинаётган фойда тўғрисидаги маълумотномани топширди, унда фойда бўйича солиқ солинадиган база 200 000 000 сўмни ташкил этган. Солиқ суммаси - 24 000 000 сўм. Чорак учун тахмин қилинаётган солиқнинг барча суммаси 9 апрелда тўланган. Жорий йилнинг июнида фойда бўйича солиқ солинадиган база прогнозга нисбатан уч баравар ошди ва 600 000 000 сўмни ташкил этди. 20 июнида II чорак учун 48 000 000 сўм миқдоридан кўшимча аванс тўловини ўтказдик.

1. Солиқ солиш базаси ошганлиги маълум бўлган тақдирда, II чорак учун фойда солиғи бўйича аванс маълумотномасини қайта топшириш керакми? Маълумотномада солиқ солиш базасининг қайси суммаси кўрсатилади: умумийми ёки якуний ва боилангичи ўрмасидаги фарқми?  
2. Фойда бўйича аванс вақтида тўланган, лекин маълумотномада солиқ солинадиган фойда ҳақиқатдагисидан кам бўлганда пеня ҳисобланадими?

– Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар фойда солиғини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар, солиқ солишнинг тахмин қилинаётган суммаси ЭКИХнинг 200 бараваридан (40,546 млн сўм) кам бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно.

Жорий (аванс) тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар 10 январь, 10 апрель ва 10 октябрга қадар солиқ органларига жорий чорак учун тахмин қилинаётган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Жорий тўловлар ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай фойда солиғи тахмин қилинаётган чораклик суммасининг 1/3 миқдоридан тўланади.

**1** Солиқ кодексининг 164-моддаси аванс тўловлари суммасига аниқлик киритаётганда маълумотномани қайта топширишга мажбур этмайди. Зеро, электрон ҳисоботда бунга талаб қилишлари мумкин. Маълумотнома қайта топшириляётганда тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойданинг фарқини эмас, балки умумий суммасини кўрсатиш керак бўлади. Нима бўлганда ҳам, маълумотномани қайта топширасизми ёки йўқми, солиқ камайтирилганда жорий тўловлар маълумотномадаги суммадан эмас, балки ҳақиқатда ҳисобланган солиқ суммаси ва бюджетга ҳақиқатда ўтказилган жорий тўловлар суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисоблаб берилади.

**2** II чорак учун Фойда солиғи ҳисоб-китобини топшириб бўлганингиздан кейин (25 июлгача), ҳақиқий солиқ суммаси ойларга бўлиб ҳисобланади.

Сизнинг ҳолатда оширилган фойда солиғи суммаси бўйича жорий тўловлар ўз вақтида тўланган.

Демак, сизда II чорак учун солиқ 72 млн сўмни (24 + 48), чоракнинг 1-ойи учун – 24 млн сўмни (73 / 3) ташкил қилган. Яъни 10 апрелгача, 10 майгача ва 10 июн гача 24 млн сўмдан тўлашингиз керак эди. Модомики, чорак учун тахмин қилинаётган жами солиқ суммасини (24 млн сўм) 10 апрелгача тўлаган экансиз, апрель ойи учун аванс тўлови камайтирилмаган. 10 майгача 24 млн сўмни тўламагансиз. Июнь ойида эса жорий тўловларни 10-санада эмас, балки 20-санада ўтказгансиз.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган фойда солиғи суммасига нисбатан 10% дан кўпроқ камайтирилган тақдирда, солиқ органлари жорий тўловларни солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли (Солиқ кодексининг 164-моддаси).

Сизга пеня ҳисобланса, унинг миқдори 550,8 минг сўмни [(24 млн сўм x 0,045% x 41 кун (10.05 дан 20.06 гача)) + (24 млн сўм x 0,045% x 10 кун (10.06 дан 20.06 гача))] ташкил қилади.



## СУВДАН ФОЙДАЛАНГАНДА СОЛИҚНИ ТЎЛАНГ

**?** Корхона офис учун бинонинг бир қисмини мулк тариқасида сотиб оляпти. Сув фақат коммунал эҳтиёжлар учун ишлатилади. Корхона сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдими?

– Корхона сув таъминоти тизими мавжуд бинони мулк тариқасида сотиб олса ва сувдан фойдаланса, у сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчига айланади.

Мазкур солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан сувдан фойдаланиши ёки сув истеъмолини амалга оширадиган қуйидаги шахслар тўлайдилар (Солиқ кодексининг 257-моддаси):

- юридик шахслар – ЎЗР резидентлари;
- фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган ЎЗР норезидентлари;
- тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар;
- юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқлари.

Қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар бўлмайди:

- **нотижорат ташкилотлар.** Нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда, белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайди. Бунда Солиқ кодексининг 132-моддасида кўрсатилган бошқа даромадларни олиш тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралмайди;
- **ягона ер солиғини тўловчилар,** агар Солиқ кодексининг 57-бобида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

## ЁКИЛҒИГА АКЦИЗ – РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ НАРХИДА

**?** Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона (ДУК) РТХБ орқали нефть базасидан бензин ва дизель ёқилғисини сотиб олади. Нефть базаси акциз солиғи ва ҚҚС ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактурани тақдим этди. Корхона ёқилғининг бир қисмини бошқа ДУКларга реализация қилади. Акциз солиғи бензин ва дизель ёқилғиси қийматига киритилган бўлса, уларни реализация қилиш чоғида акциз солиғи ҳисоблаб ёзилади?

– Автомобиль ёқилғисини реализация қилишда қуйидагилар акциз солиғини тўлайдилар (Солиқ кодексининг 229-моддаси):

- акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи сифатида нефть базаси;
- бензин, дизель ёқилғисини якуний истеъмолчиларга реализация қилувчи корхона. Якуний истеъмолчилар деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ҳамда газ олувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Корхонангиз ёқилғи сотиб олаётганда тўлаган (тўланиши лозим бўлган) акциз солиғини ёқилғи таннархига киритади. Бензин, дизель ёқилғиси якуний истеъмолчиларга реализация қилинганда акциз солиғи суммасини реализация қилиш нархига киритишингиз ва уни бюджетга тўлашингиз лозим. 2019 йилги солиқ ставкаси 1 литр учун 285 сўмни ташкил қилади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорга 19-илованинг 15-банди).

## СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИ

**?** Вазирлар Маҳкамасининг 27.05.2019 йилдаги 433-сон қарори билан Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиши ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириши учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиши тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди. Ушбу қарор бўйича тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган давлат субсидиялари солиқ солинадиган даромад ҳисобланадими?

– Франчайзинг тўғрисида шартномага асосан инвесторларга меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Давлат бюджетидан маблағ ажратилади (ВМнинг 27.05.2019 йилдаги 433-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1-банди).

Бюджетдан берилган субсидиялар солиқ тўловчининг даромади ҳисобланмайди ва уларга солиқ солинмайди (Солиқ кодексининг 129-моддаси 3-қисми 6-банди, 355-моддаси 4-қисми 6-банди).

Жавобларни «Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.



## ГРАНТ: ҲИСОБГА ОЛИШ ЖИҲАТЛАРИ

**?** Ишлаб чиқариш корхонамиз умумбелгиланган солиқларни тўлайди. ISO 9001 тизимини жорий этяпмиз. Бунинг учун Ўзбекистоннинг ихтисослашган компанияси билан ISO 9001 халқаро стандартларини қўллаган ҳолда интеграциялашган бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва сертификатлаштиришга тайёрлаш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш тўғрисида шартнома туздик. Уларга ЎЗР сўмида ҳақ тўладик. ЕТТБ билан келишувга биноан мазкур шартномада кўрсатилган харажатларни қоплаш ва қисман молиялаштириш учун АҚШ долларига грант олдик.

1. Грант маблағлари қандай ҳисобга олинади?
2. Бундай грантга солиқ имтиёзлари борми?

– Грант – давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукуматига қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари то-

монидан беғараз асосда бериладиган мол-мулк. Пул маблағлари, номоддий активлар ҳам мол-мулкка кирилади (Солиқ кодексининг 22-моддаси).

ЕТТБ – Европа тикланиш ва тараққиёт банки, халқаро ташкилот.

- 1 Бухгалтерия проводкалари:

| Ҳўжалик операциялари мазмуни        | Сўётлар корреспонденцияси               |                 |
|-------------------------------------|---|-----------------|
|                                     | дебет                                   | кредит          |
| Валюта сўётига грант суммаси олинди | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта сўётлари» | 8810-«Грантлар» |

| Ҳўжалик операциялари мазмуни   | Сўётлар корреспонденцияси                         |  |
|--|---|--|
|  | дебет   | кредит   |
| ISO 9001 тизимини жорий этиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилди               | 9420.1-«ISO 9001 тизимини жорий этиш харажатлари» | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўётлар»; бошқа жорий этиш харажатлари: 6510, 6710 ва х.к. |
| ЕТТБ билан келишувда кўрсатилган мақсадларга грант маблағлари ҳисобдан чиқарилди | 8810-«Грантлар»                                   | 9420.1-«ISO 9001 тизимини жорий этиш харажатлари»  |

**2** Олинган грантлар солиқ тўловчининг солиқ солинадиган даромади сифатида қаралмайди (Солиқ кодексининг 129-моддаси 8-банди), чунки улар 8810-«Грантлар» сўётида ҳисобга олинади. Фойда солиғи ҳисоб-китобида (1-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) уларнинг суммаси акс эттирилмайди.

Юридик шахслар томонидан грантлар ҳисобига олинган товарларни (ишлар, хизматларни) реализация ки-

лиш оборотлари ҚҚСдан озод этилади (Солиқ кодексининг 208-моддаси 23-банди).

Шу тариқа, сиз билан ISO 9001 тизимини жорий этишга шартнома тузган ихтисослашган компания ҚҚС тўловчиси ҳисобланса, шартнома шартларига хизматлар учун ҳақ грантлар ҳисобига қисман тўланиши ҳақида бандни киритишни тавсия этамиз. Фақат грант суммасига тенг хизматлар қиймати қисмига ҚҚС ҳисобланмайди.

## ТОВАР УЧУН ТўЛАНГАН ПУЛЛАР ҚАНДАЙ ҚАЙТАРИЛАДИ

**?** Умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган ташкилот юридик ва жисмоний шахсларга дераза ва мебеллар ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмларни сотади. Харидорлар вақти-вақти билан аввал сотиб олинган товарларни қайтарадилар.

1. Илгари нақд пул маблағларига ёки нақдсиз пул маблағларига сотиб олинган (банк картаси билан терминал орқали, пул ўтказмалари билан тўланган) товар қайтарилганда қандай ҳужжатлар расмийлаштирилиши лозим?
2. Ташкилот илгари нақд ҳисоб-китоб бўйича сотиб олинган товарни қайтарган харидорга кассадаги нақд пуллари беришга ҳақлими ёки банкда товар қайтарилишини расмийлаштириш учун ҳисоб-китоб сўётидан чек бўйича пул маблағларини олиши керакми?
3. Харидор илгари нақдсиз пул маблағларидан фойдаланган ҳолда сотиб олган товарни қайтараётганда, ташкилот унга нақд пул маблағларини беришга ҳақлими?

**1** ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарори билан тасдиқланган Тартибга кўра харидорларга пул маблағлари қайтарилади.

## Нақд пулда тўланганда

Пул маблағлари харидорнинг (Ф.И.О. кўрсатилган ҳолда) ёзма аризаси ва у тақдим этган ушбу товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган касса чеки асосида қайтарилади. Кафолатли муддат белгиланган товарлар бўйича лозим даражада расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат тақдим этилади.

Қайтарилган товарни қабул қилиб олиш учун юкхат икки нусхада расмийлаштирилади, улардан бири товар ҳисоботига тиркаб қўйилади. Иккинчи нусхаси харидорга топширилади ва қайтарилган товар учун пул суммасини олишга асос ҳисобланади.

Қайтарилган сумма учун пул маблағларини қайтариш тўғрисида далолатнома бир нусхада расмийлаштирилади. Далолатнома масъул шахслар

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

томонидан имзоланади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

## Терминал орқали ёки пул ўтказмалари ҳисоб-китобларда

Бундай вазиятда ҳам, нақд пул тўланган товар қайтарилгандаги сингари, харидордан терминал чеки илова қилинган ариза бериши талаб қилинади. Қайтариладиган товарга юкхат, пул маблағларини қайтариш тўғрисида далолатнома, уларни ўтказиш учун тўлов топшириқномаси расмийлаштирилади.

Товарни реализация қилиш чоғида ҳисобварақ-фактура ёзиб берилган бўлса, товар қайтарилганда етказиб берувчи корхона қайтарилган товар суммасига қўшимча ҳисобварақ-фактурани ёзиб бериши лозим. Тарафлар учун ушбу ҳужжат товар қайтарилганлиги далилини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Унда товарларни етказиб берувчи томонидан куйидагилар кўрсатилади:

- тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;
- ҳисобварақ-фактурани тўлдиришда зарур бўлган реквизитлар (Солиқ кодексининг 222-моддаси);

• тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;

• ҚҚСни ҳисобга олманган ҳолда солиқ солинадиган базага салбий тузатиш киритиш миқдори.

Қўшимча ҳисобварақ-фактурада «Миқдори» устунида кўрсаткич миқдори худди «Етказиб бериш қиймати» устунидаги сингари айирув белгиси билан кўрсатилади.

**2** Ҳа, корхона қайтариладиган товар ҳақини кассага тушган нақд пул тушумлари ҳисобдан қайтаришга ҳақли. Нақд пул тушуми мавжуд бўлмаса ёки қайтариш учун етарли бўлмаса, 1 банк куни давомида ҳисоб-китоб сўётидан зарур пул маблағлари суммаси олинади.

**3** Товар ҳақи банк пластик карталари орқали ёки пул ўтказмалари билан тўланган бўлса, истеъмолчи нақд пул маблағларини беришга ҳақли эмасиз. Мазкур ҳолатда пул маблағлари 3 иш куни ичида истеъмолчининг банк пластик картасига (сўётига) тўлов топшириқномаси асосида ўтказилади (АВ томонидан 22.06.2015 йилда 2687-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 7-банди).

## ЭЪЛОН

«Istiqbol Realtor Savdo» ХК бошланғич баҳоси босқичма – босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «BL LAZEROPTIKA» АЖ балансидаги Тошкент вилояти, Паркент тумани, Хисорак ҚФЙ манзилда жойлашган 1 921.95 кв.метрдан иборат гараж бино ва ишоотлари, мулкнинг бошланғич нархи 1 510 244 000 сўм бўлган кўчмас мулк тақдоран кўйишмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 23 август куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 30В-уйда бўлиб ўтади. Талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) расмий иш куни олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Талабдорлар диктантига: 2019 йил 23 август кундаги аукцион савдосида сотилмаган мулк бўйича такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари соат 10.00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг кўчмас мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Istiqbol Realtor Savdo» ХК нинг АТ «ЎЗСКБ» Яшнобод филиали, МФО 00432, СТИР 200553098, 20208000900103349001 ҳисобрақамига тўлашлари ва талабдорлар буюртмаомани савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта орқали, шахсан ёхуд ўзининг ваколатли вакили орқали куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишлари лозим: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси; ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси. Аукцион савдоси голиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзолаган кундан бошлаб 20 (ингирма) кун муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар олиш манзили: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 30В-уй. Телефон: (93) 555-95-00, (71) 236-26-65.

Лицензия RR-0268.



**?** Корхона улгуржи савдо билан шугулланади. Импорт шартномаларимиздан бири Россия рублида тўлаш шarti билан АҚШ долларида тузилган. Товар нархи кузатув ҳужжатларида АҚШ долларида кўрсатилади. Мазкур ҳолатда курс фарқи қандай ҳисобланади?

## ИМПОРТ БЎЙИЧА КУРС ФАРҚИ

– Импорт шартномаси бўйича қарздорлик (дебиторлик ёки кредиткорлик) шартнома валютаси – АҚШ долларида МБ курси бўйича сўмга қайта ҳисобланган ҳолда акс эттирилади, шу сабабли курс фарқи ҳам шартнома валютасидан келиб чиқиб ҳисобланади.


Чет эл валютасида харид қилинган товар-моддий захиралар (консигнация шартномалари бўйича товарлар бундан мустасно) ва бошқа активларни баҳолаш, уларнинг харид қи-

линганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳисоб ҳужжатларида (товарнинг кузатув ҳужжатлари ёки божхона юк декларациясида) кўрсатилган қийматдан келиб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги МБ курси бўйича қайта ҳисоблаб, шунингдек харид қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлардан келиб чиқиб аниқланади (АВ томонидан 21.05.2004 йилда 1364-сон билан рўйхатдан ўтказилган 22-сон БҲМСнинг 13-банди).

## ИСТЕЪМОЛЧИ УЧУН КВИТАНЦИЯ

**?** «Ўзтрансгаз» АЖнинг Наманган вилояти бўйича ҳудудий корхонаси аҳолига уй ичидидаги газ асбобларида техник ва таъмирлаш хизматларини кўрсатади. Слесарлар бевосита аҳоли уйларида хизмат кўрсатадилар.

Аҳолига хизмат кўрсатишда буюртмамиз асосида босмаҳонада тайёрланган, китобча шаклида тикилган, боғланган ва рақамланган квитанциялардан фойдаланиш мумкинми?



– Квитанциялар олдиндан солиқ органларида рўйхатдан ўтказилган бўлса, аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда улардан фойдаланишнинг зими мумкин.

Бевосита аҳоли уйларида кўрсатиладиган ички газ асбоблари бўйича техник ва таъмирлаш хизматларини турғун жойдан ташқаридаги маиший хизматларга киритиш мумкин\*.

Турғун жойдан ташқаридаги маиший хизматларни кўрсатиш чоғида корхона НКМни қўлламасдан жисмоний шахслардан пулларни қабул қилиши мумкин (Рўйхатнинг 3-банди, ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарорига 3-илова). Мазкур ҳолатда истеъмолчи солиқ органларида рўйхатдан ўтказилган ҳужжат – чипта, талон, чек ва бошқалар берилиши лозим.

Аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга қадар ушбу ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун солиқ органларига мурожаат қилиш керак. Солиқ органлари 2 кунлик

муддатда мазкур ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва штамп босади.

Хўжалик юритувчи субъектга тегишли рўйхатдан ўтказилган чипталар, талонлар, чекларни ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар катъий ҳисобот бланкалари ҳисобланади (Низомнинг 19-банди, ВМнинг 306-сон қарорига 1-илова).

Квитанциялар, чипталар, талонлар ёки солиқ органларида рўйхатдан ўтказилмаган чекка тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни ёзмадан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш НКМни қўлламасдан ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширишга тенглаштирилган қоидабузарлик ҳисобланади (Низомнинг 20-банди).

Ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни НКМни қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган ташкилотлар уларни қўллаш ҳуқуқига эга. Бунда уларга НКМни рўйхатдан ўтказиш ва уни қўллашнинг умумий тартиби татбиқ этилади (Низомнинг 21-банди).

\*Маиший хизматлар рўйхати ХХТУТ (код - 90310) билан белгиланган ва фойдаланиш учун очик ҳисобланади. Одатдагидек, маиший хизматлар кўрсатиш соҳаси деанди умумий ишлаб чиқариш тизимидаги функционал аҳамияти аҳолига хизматлар кўрсатиши билан ифодаланганидан барча фаолият турлари тушунилади.

Жавобларни «Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

## КАССАДАГИ ҚОЛДИҚ ЛИМИТИНИ ҚАНДАЙ ОШИРИШ МУМКИН

**?** Микрокредит ташкилоти (ломбард) кассадаги қолдиқ лимитини ошириши керак. У қандай ҳисобланади?

– Хўжалик юритувчи субъектлар ўз кассаларида кассадаги нақд пул қолдиқлари лимити доирасида нақд пулларга эга бўлишлари мумкин. Лимит ўрнатиш тартиби фақат банкларда ўзининг алоҳида депозит ҳисобварағига, шунингдек кассасига эга бўлган ташкилотларга татбиқ этилади.

Кассадаги нақд пуллар қолдиғига лимит мижознинг банкка тақдим этган ҳисоб-китоб маълумотномасига асосан банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар билан келишилган ҳолда, нақд пул айланмаси ва уларнинг ишлаш шароитини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади. Ҳисоб-китоб маълумотномаси шакли ва уни тўлдириш учун зарур маълумотлар Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага 1-иловада келтирилган (Йўриқноманинг 17-банди, 1-илова, АВ томонидан 1.05.2018 йилда 3003-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Нақд пуллар қолдиғига лимитлар куйидагилар учун ўрнатилади:

- доимий нақд пул тушумига эга ва тушум пулларини хар иш куни охирида банкка топшириши лозим бўлган ташкилотлар учун – кейинги иш куни эрталаб ўз фаолиятини давом эттиришлари учун зарур бўл-

ган миқдорда (банк кассасига кириш қилиш учун топширилгандан сўнг кассага кириш қилинган нақд пуллар ўрнатилган лимитга киритилмайди);

- нақд пул тушумларини кейинги иш кунида банкка топшириши лозим бўлган ташкилотлар учун - ўртача бир кунлик нақд пул тушумидан ортик бўлмаган миқдорда;

- нақд пул тушумларини бир неча кунда бир марта топшириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар учун – бир кунлик ўртача тушум суммаси ва уни банкка топшириши бўйича белгиланган муддатни инобатга олган ҳолда;

- доимий нақд пул тушумига эга бўлмаган ташкилотлар учун - ўртача кунлик нақд пул харажатлари доирасида (иш ҳақи, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа, мукофот пули, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловлар учун харажатлардан ташқари) (Йўриқноманинг 18-банди).

Ташкилотнинг қайси тоифага мансублигини аниқланг. Ҳисобингиздаги маълумотлар бўйича лимитни ҳисобланг. Ҳисоб-китобларингизда лимитни ошириш имконияти борлиги асосланса, кассангиздаги пул қолдиқлари лимити суммасини қайта кўриб чиқишни сўраб банкка мурожаат қилинг.

## ТАЪТИЛ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ

**?** 1. Компенсация тўланадиган таътил кунлари сонини ким ҳисоблайди?  
2. Бухгалтерия нимага асосланиб ҳисоб-китоб қилиши керак?

**1** Компенсация тўланадиган таътил кунлари сонини кадрлар ҳисобини юритиш вазифаси топширилган кадрлар бўлими ходими белгилайди, сабаби уларда ҳисоб-китоб учун барча зарур маълумотлар мавжуд бўлади.

Ходимга компенсация тўланадиган таътил кунлари сонини бухгалтер ҳам аниқлаб бериши мумкин.

**2** Таътил кунлари учун компенсация тўланишига фармойиш берилган раҳбар буйруғи компенсация ҳисоблаш учун асос бўлади. Компенсация тўланадиган таътил кунларини ҳисоб-китоб қилиш учун ходимнинг шахсий варақасидаги (Т-2 шакл) маълумотлардан фойдаланилади. Унда ходимга корхонадаги фаолияти даврида берилган таътил кунлари сони ҳақида маълумот жамланган.

Умумий қоидага кўра, фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация куйидаги 2 ҳолатда тўланади:

- ходим йиллик таътилининг белгиланган энг кам муддатидан (15 иш

ходим ишга қабул қилинган сана ва иш фаолияти давомида фойдаланган таътил кунлари сони ҳақидаги маълумотлар унда бўлади.

Лавозим йўриқномасида ходим бажарадиган ишлар рўйхати ва турлари белгиланади. Унга мувофиқ компенсация тўланадиган таътил кунларини ким ҳисоблаши ҳақидаги масала ҳал этилади.

кунидан) ортиқча қисми учун компенсация тўланишини сўраганда (МКнинг 151-моддаси 2-қисми).

- ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда (МКнинг 152-моддаси).

Таътилар муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати хар бир тўлик таътил миқдорини 12 га бўлиб, сўнг тўлик ишланган ойлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда 15 календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, 15 календарь кундан ками эса чиқариб ташланади (МКнинг 141-моддаси).



**БУЮРТМАНОМА-АКЦЕПТ**

2019 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

1. \_\_\_\_\_  
(Обуначинга таъсис ҳужжатлари ёки давлат рўйхатидан ўтганлик гувоҳномасига мувофиқ таъжирлик-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи)

асосида амал қилувчи

(ҳужжат (таъсис шартномаси, устав, низоми ва б., ишончнома)

\_\_\_\_\_ тимсолида,

(Обуначи ваколатли вазилининг Ф.И.Ш. (тўлиқ), унинг лавозими)

«Солиқ ва боғхона хабарлари» газетасининг 2019 йил 23 июлдаги 30 (1302)-сонидан эълон қилинган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиши тўғрисида маълум қилади ҳамда 2020 йил учун қуйидаги нашрларга обуна бўлади:

| Индекс | Нашрнинг номи   | 2020 йил учун обуна нархи (сўм) | Нусхалар миқдори (дона) | Умумий сумма (сўм) |
|--------|---|---------------------------------|-------------------------|--------------------|
| 186    | «Солиқ ва боғхона хабарлари» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари (йилига 52 сон) | 1 115 400                       |                         |                    |
| 184    | «Солиқ ва боғхона хабарлари» газетаси (йилига 52 сон)                         | 781 560                         |                         |                    |
| 197    | «Норма маслаҳатчи» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)                 | 558 480                         |                         |                    |
| 172    | «Налоговые и таможенные вести» ва «Норма» газеталари (йилига 52 сон)          | 1 115 400                       |                         |                    |
| 165    | «Налоговые и таможенные вести» газетаси (йилига 52 сон)                       | 781 560                         |                         |                    |
| 173    | «Норма» иқтисодий-ҳуқуқий газетаси (йилига 52 сон)                            | 558 480                         |                         |                    |

2. Тўлаш учун умумий сумма \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ сўмни ташкил қилади.

(рақамлар ва ёзув билан кўрсатилсин)

3. Етказиб бериш учун манзил (босма ҳарфлар билан аниқ қилиб тўлдирилади):

|       |       |       |       |       |
|-------|-------|-------|-------|-------|
| _____ | _____ | _____ | _____ | _____ |
|-------|-------|-------|-------|-------|

Почта индекси

Минтақа /Вилоят \_\_\_\_\_, шаҳар/туман, \_\_\_\_\_

(шаҳарча, кўчалик, қиллоқ, кўча, дехон, мавзо, уй, кв., хона)

Мўлжал \_\_\_\_\_

4. Боғланиш учун телефон: \_\_\_\_\_

5. Алоқа боғловчи шахс: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

**ОБУНАЧИ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

СТИР \_\_\_\_\_

ИФУТ \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: \_\_\_\_\_

Почта манзили \_\_\_\_\_

Телефон \_\_\_\_\_

Факс \_\_\_\_\_

Х/р \_\_\_\_\_

Хизмат кўрсатувчи банк \_\_\_\_\_


Банк коди \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ /  
(ваколатли мансабдор шахс имзоси, тўлиқ фамилияси,  
исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

М.Ў.

СОЛИҚ ВА  
БОҒХОНА  
ИЛОВА

**ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН  
Фойда солиғи МИСОЛЛАР ВА  
ҲИСОБ-КИТОБЛАРДА\***



Фойда солиғи ҳисоб-китобини тўлдиришдан аввал корхона фаолиятининг молиявий натижасини аниқлаш лозим. Бунинг учун барча бухгалтерия маълумотлари муайян шаклда қайд этилади, улар асосида корхона фойда ёки зарар кўриб ишлаётгани ҳақида бир хулосага келиш мумкин бўлади. Даромаднинг ўзини ҳисоблаш – энг мураккаб ишлардан бири.

**СОЛИҚ Тўлангунга қадар Фойда қандай Ҳисобланади**

Фойда солиғи суммасини тўғри аниқлаш учун ҳар чорақда Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни (2-сон шакл, 2-шлова, АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тўлдириш. Корхонангиз кичик корхоналар жумласига кирса, солиқ органларига ҳар чорақда Ҳисобот тақдим этиш керак эмас. Кичик бизнес корхоналари молиявий ҳисоботни йил якунлари бўйича тақдим этадилар.

Сизга Ҳисоботдан фақат фойда солиғини тўлашга қараганда фойда (Ҳисоботнинг 240-сатри) керак бўлади. Бироқ уни аниқлаш учун юқоридаги барча сатрларни тўлдиришга тўғри келади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот минг сўмда йил бошидан ортиб борувчи якун билан тўлдирилади.

Ҳисоботнинг ҳар бир сатрини кўриб чиқамиз.

**Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум (010-сатр)**

Реализация қилишдан олинган тушумни товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш ҳолларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида белгиланган (Солиқ кодексининг 130-моддаси).

Улар:

- ҳисобварақ-фактура;

• ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида далолатнома;

- квитанция;
- чек;
- товарлар жўнатишганлиги далилини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.



Тушумни пул келиб тушганлиги далили бўйича эмас, балки товарларни жўнатиш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш далили бўйича аниқланган (Солиқ кодексининг 130-моддаси).

\*Давоми. Боши «СБХ»нинг 16.07.2019 йилдаги 29 (1301)-сонидан.



**МИСОЛ.** Корхона I чорақда шартнома бўйича 50 000 минг сўм олдиндан тўлов олди. II чорақда 120 000 минг сўмлик ишлар бажарилди, шу жумладан ҚҚС – 20 000 минг сўм. Тушум ҳисобварақ-фактурада акс эттирилган. Шу чорақда бажарилган ишлар учун қолган сума 70 000 минг сўм олинди. Корхона 100 000 минг сўмлик сумадаги (ҚҚСни чегирган ҳолда) ишлар бажарилганлиги ҳужжатлар билан тасдиқланган II чорақдаги 010-сатрда соф тушумни акс эттиради.

Ҳисоботнинг 010-сатрида маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилишдан тушган тушумни қуйидагиларни чегирган ҳолда кўрсатиш:

- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотлар қиймати;
- сотиш нархларидан харидорларга берилган чегирмалар.

**1-МИСОЛ.** Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона уяли алоқа хизматларини кўрсатади. Ҳисобот даврида тушум 138 000 минг сўмни ташкил этди, шу жумладан ҚҚС – 23 000 минг сўм, акциз солиғи – 15 000 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни       | Сумма, минг сўм | Счётлар корреспонденцияси                            |  |
|--------------------------------------|-----------------|--|--|
|                                      |                 | дебет  | кредит   |
| Реализация қилишдан соф тушум олинди | 100 000         | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» | 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» |
| Акциз солиғи ҳисобланди              | 15 000          |  | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (акциз солиғи)»      |
| Қўшилган қиймат солиғи ҳисобланди    | 23 000          |  | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»               |

Реализация қилишдан соф тушум 100 000 минг сўм 9030-счётда ва Ҳисоботнинг 010-сатрида акс эттирилади.

**2-МИСОЛ.** Умумбелгиланган солиқларни тўловчи корхона ҳисобот даврида 120 000 минг сўмлик товарларни реализация қилди, шу жумладан ҚҚС – 20 000 минг сўм. Бундан ташқари, 54 000 минг сўмлик товарлар 10% чегирма билан реализация қилинди, шу жумладан ҚҚС – 9 000 минг сўм (100% – 60 000 минг сўм, шу жумладан ҚҚС – 10 000 минг сўм) ва 27 000 минг сўмлик товар қайтарилди.

Бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни                                | Сумма, минг сўм | Счётлар корреспонденцияси                               |   |
|---|-----------------|---|---|
|   |                 | дебет   | кредит  |
| Товарларни чегирмаларсиз реализация қилишдан соф тушум олинди | 100 000         | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»    | 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»                   |
| Қўшилган қиймат солиғи ҳисобланди                             | 20 000          |   | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»              |
| Товарларни чегирма билан реализация қилишдан соф тушум олинди | 50 000          | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»    | 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»                   |
| 10% чегирма акс эттирилди                                     | 5 000           | 9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»    |
| Қўшилган қиймат солиғи ҳисобланди                             | 9 000           | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»    | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»              |
| 9050-счёт ёпилди  | 5 000           | 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»                   | 9050-«Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» |
| Товар қайтарилди  | 22 500          | 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»                    | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар»    |
| ҚҚСга тузатиш киритилди                                       | 4 500           | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (ҚҚС)»              |   |
| 9040-счёт ёпилди  | 22 500          | 9020-«Товарларни сотишдан даромадлар»                   | 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»                    |

Соф тушумни аниқлаш учун 9020-счётдаги кредит айланмаларини қўшамиз ҳамда 9040 ва 9050-счётлардаги дебет айланмаларини чегирамиз.

Ҳисобот даврида соф тушум 122 500 минг сўмни (100 000 + 50 000 – 5 000 – 22 500) ташкил этди. Ушбу сума Ҳисоботнинг 010-сатрида акс эттирилади.

## ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «**NORMA DAVRIY NASHRLARI**» МЧЖ, бундан кейин Тахририят деб юритилади, мазкур таклиф билан Тошкент шаҳри ёки республика минтақаларида жойлашган (истакомат қиладиган), қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлалигича (ўзи танлаган наشرларни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилишини билдирадиган шахс (бундан кейин – **Обуначи**) билан **мазкур оммавий оферта шартларига мувофиқ 2020 йилга обунани шартномасини** (бундан кейин – **Шартнома**) тузишга тайёр эканлигини билдиради. Тахририят ва Обуначи кейинги ўринларда биргаликда Тарафлар деб номланади.

2. Обуначи мазкур Шартнома шартларини қабул қилган тақдирда, унинг иловасида келтирилган шакл бўйича тўлдирилган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманоме-акцептни (бундан кейин – **Акцепт**) жўнатиш йўли билан мазкур оммавий оферта шартлари бўйича обунани тўлашга розилиги ҳақида Тахририятни хабардор қилади. Акцептнинг барча устунлари тўлиқ, қисқартирилмас, аниқ-равшан, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт (371) 200-00-30 факс орқали жўнатилиши ёки Тахририят **Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй** манзили бўйича келтириб берилиши мумкин.

Факсимил ёзишмалар юридик кучга эга.

3. Тахририят 2020 йил учун Акцептда кўрсатилган наشرларга (Обуначининг танловига кўра) обунани қилиш мажбуриятини, Обуначи эса уни расмийлаштириш ва тўлаш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Шартнома Тахририят Акцептни олган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва кучга кирди ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари тўлиқ бажарилишига қадар амал қилади.

5. Обуначи обунани қийматини мазкур Шартноманинг шартларига мувофиқ 2019 йил 31 августдан кечикмасдан тўлаши шарт.

6. Обунани қийматини тўлаш шартлари: Обуначи томонидан Тахририят ҳисоб-китоб рақамига пул маблағларини (Акцептга биноан белгиланган тўловнинг умумий суммасини) ўтказиш йўли билан ҳақиқатан 100% олдиндан тўлаш. Тўлов Тахририят кассасига нақд пул билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

7. Тахририят унинг ҳисоб-китоб рақамига мазкур Шартноманинг 5 ва 6-бандлари шартлари билан назарда тутилган тартибда пул маблағлари келиб тушганидан кейин, Тахририятда Обуначидан келган Акцепт мавжуд бўлганида, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

8. Тахририят почта бўлимида орқали республика доирасида Обуначига у томонидан Акцептда мазкур шартноманинг 3-бандига мувофиқ қайд этилган наشرларни навбатдаги сон чиқиши билан кўрсатилган манзил бўйича етказиб беришни ташкил қилади.

9. Наشرлар ўз вақтида ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи тегишли почта хизматига мурожаат қилиши шарт. Почта хизмати томонидан наشرлар ўз вақтида ва тўлиқ етказиб берилиши таъминланмаган

тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

10. Етказиб бериш манзили ўзгарган тақдирда, Обуначи наشرларни янги манзилга етказиб бериш масаласини почта бўлими билан келишига олиши шарт. Почта хизмати томонидан наشرлар янги манзилга етказиб берилиши таъминланмаган тақдирда, Обуначи 10 (ўн) календарь кундан кечиктирмай бу ҳақда Тахририятни хабардор қилиши шарт.

11. Акцепт мuddати 2019 йил 31 августгача қилиб белгиланади. Агар Тахририят томонидан Акцепт ва пул маблағлари ушбу мuddатдан кечроқ олинган бўлса, Шартнома тузилмаган деб ҳисобланади, Тарафларда у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келмайди. Бундай ҳолда пул маблағлари Обуначига қайтарилади.

12. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

13. Обуначи томонидан Акцептда унинг манзили нотўғри кўрсатилганлиги сабабли наشرларни етказиб бериш юзасидан Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун Тахририят Обуначи олдида жавобгар бўлмайди.

14. Тарафлар Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бу Шартнома тузилганидан кейин, Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини ололмаган фавқулдодда тусдаги воқеалар натижасида енгил бўлмас куч ҳолатлари (форс-мажор) бошланиши оқибатида юз берган бўлса, жавобгар бўлмайди.

15. Форс-мажор ҳолатларининг бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) иш куни мобайнида хабардор қилишлари керак.

16. Мазкур Шартномани бажариш чоғида вужудга келадиган барча низо ва келишмовчиликларни Тарафлар музокаралар йўли билан, шу жумладан талабнома юбориш йўли билан ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибидан ҳал этилади.

17. Мазкур оммавий офертанинг амал қилиш мuddати – 2019 йил 31 августгача.

### 18. ТАХРИРИЯТ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«**NORMA DAVRIY NASHRLARI**» МЧЖ  
100105, Тошкент ш., Таллимаржон кўч., 1/1  
Обуна бўлими: 100011, Тошкент ш., Навоий кўч., 22  
Х/р: 2020 8000 3008 7382 7001.  
Тошкент ш. «KDB Bank Uzbekistan» банкида МФО 00842  
СТІР 305504530, ИФУТ 58130  
ҚҚС тўловчисининг рўйхатдан ўтказиш коди: 326010039431.  
Тел./факс (371) 200-00-30.

Баҳодир ҚАЙУМОВ,  
«**NORMA DAVRIY NASHRLARI**»  
МЧЖ директори.



**2-МИСОЛ.** Корхонанинг ҳисобот даврида асосий фаолиятдан кўрган зарари – 10 000 минг сўм. Молиявий фаолият бўйича даромадлар – 5 000 минг сўм. Молиявий фаолият бўйича харажатлар – 2 000 минг сўм. Умумҳужалик фаолиятининг зарари 7 000 минг сўмга (–10 000 + 5 000 – 2 000) тенг. У Ҳисоботнинг 220-сатри 6-устунида акс эттирилади.

#### Фавқулоддаги фойда ва зарарлар (230-сатр)

Ушбу сатрда фавқулодда ҳодисалар, яъни корхонанинг одатдаги ҳужалик фаолиятдан анча фарқ қиладиган тасодифий, қутилмаган ва ноодатий ҳолатлар натижасини кўрсатинг.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- табиат ҳодисалари;
- табиий офатлар;
- бартараф этиб бўлмайдиган ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар;

- бошқа ҳодисалар.
- 230-сатрда иккита сумма кўрсатилиши мумкин:  
5-«Даромад (фойда)» устунида 9710-«Фавқулоддаги фойдалар» счётидаги маълумотларни акс эттиринг;  
6-«Харажатлар (зарар)» устунида – 9720-«Фавқулоддаги зарарлар» счётидаги маълумотларни.

#### Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (240-сатр)

Ушбу сатрда +/- белгиларини инобатга олган ҳолда 220 ва 230-сатрлар йиғиндиси натижаларини акс эттиринг.



Фойда солигини тўлагунга қадар олинган натижани аниқлаётганда умумҳужалик фаолиятдан олинган натижа белгисини ҳисобга олинг.

Ҳисоботнинг 220-сатрида зарар ҳосил бўлган бўлса, фойда солигини тўлагунга қадар олинган натижани аниқлаётганда манфий белгилли зарар суммасини ҳисобга олинг.



**1-МИСОЛ.** Корхонанинг ҳисобот даврида умумҳужалик фаолиятдан олган фойдаси – 50 000 минг сўм. Фавқулодда фойда – 5 000 минг сўм. Фавқулодда зарар – 2 000 минг сўм. Фойда солигини тўлагунга қадар олинган фойда 53 000 минг сўмга (50 000 + 5 000 – 2 000) тенг. У Ҳисоботнинг 240-сатри 5-устунида акс эттирилади.

**2-МИСОЛ.** Корхонанинг ҳисобот даврида умумҳужалик фаолиятдан кўрган зарари – 10 000 минг сўм. Фавқулодда фойда – 5 000 минг сўм. Фавқулодда зарар – 2 000 минг сўм. Фойда солигини тўлагунга қадар кўрилган зарар 7 000 минг сўмга (–10 000 + 5 000 – 2 000) тенг. У Ҳисоботнинг 240-сатри 6-устунида акс эттирилади.

Фойда солиғи ҳисоб-китоби (Ҳисоб-китобнинг 010-сатри, 1-қлова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ҳисоботнинг 240-сатридаги қийматдан бошланади.

Зарар билан чиққан бўлсангиз, бу фойда солиғи ногла тенг бўлишини аниқлаётганда. Зарарга қўшимча қўшилувчи

қийматлар, масалан, чегирилмайдиган харажатлар қўшилиб, зарарни ошириши мумкин.

Зарар Фойда солиғи ҳисоб-китобининг 010-сатрида айирув белгиси билан акс эттирилиб, келгусида солиқ солинадиган базани аниқлаётганда ҳисобга олинади.

«Норма» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

Давоми бор.

## РЕКЛАМА

**ORMA**

# «СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Та. Ёнимаржон кўч., 1/1.

Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Товарлар етказиб берилган санадан бошлаб бир йил ёки қафолат муддати белгиланган бўлса, ушбу муддат довомида товарларни қайтаринг, сотувлардан кейин чегирмалар тақдим этинг ва даромадга бошқа тузатишлар киритинг (Солиқ кодексининг 131-моддаси).

Тузатиш киритилганлигини ҳисобварақ-фактура билан расмийлаштиринг ва тузатиш киритилган санада бухгалтерия ҳисобида акс эттиринг.

#### Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи (020-сатр)

020-сатрда 9100-гурӯҳдаги счётларда ҳисобга олинган реализация қилинган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар)нинг таннархини акс эттиринг.

**1-МИСОЛ.** Корхона ҳисобот даврида маҳсулотларнинг 1 000 та бирлигини ишлаб чиқарган, уларнинг таннархига қуйидагилар киритилган:

- материаллар қиймати – 40 000 минг сўм;
- ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг иш ҳақи – 30 000 минг сўм;
- ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг МҲТФдан ягона ижтимоий тўлов – 3 600 минг сўм;
- ишлаб чиқариш ускуналарининг амортизацияси – 6 400 минг сўм.

Маҳсулотларнинг 700 та бирлиги реализация қилинган.

Бухгалтерия ҳисоби:

| Т/р   | Ҳўжалик операциясининг мазмуни   | Сумма, минг сўм     | Счётлар корреспондентцияси                     |   |
|---|--|---------------------|--|---|
|   |  |                     | дебет  | кредит  |
| Маҳсулотларнинг таннархига ҳисобдан чиқарилган (1–4-проводкалар): |  |                     |  |   |
| 1   | Материаллар қиймати ҳисобга олинди   | 40 000              | 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»                    | 1010-«Хом ашё ва материаллар»                     |
| 2   | Ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг иш ҳақи ҳисобланди                                      | 30 000              | 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»                    | 6710-«Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблаш» |
| 3   | Ишлаб чиқаришдаги ходимларнинг МҲТФдан ЯИТ ҳисобланди                                  | 3 600               | 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»                    | 6520-«Давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар»     |
| 4   | Ишлаб чиқариш ускуналарининг амортизацияси ҳисобланди                                  | 6 400               | 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»                    | 0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши»           |
| 5   | Омборга тайёр маҳсулотлар келиб тушгани акс эттирилди                                  | 80 000 (1 000 дона) | 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»             | 2010-«Асосий ишлаб чиқариш»                       |
| 6   | Реализация қилинган маҳсулотларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди (80 000 / 1 000 x 700) | 56 000 (700 дона)   | 9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи» | 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»                |

Тайёр маҳсулотларнинг бутун туркуми таннархи – 80 000 минг сўм.

Бироқ 9110-счётда фақат реализация қилинган маҳсулотларнинг таннархи – 56 000 минг сўм акс эттирилади. Ушбу суммани корхона Ҳисоботнинг 020-сатрида акс эттиради.

Товарларни реализация қилсангиз, 020-сатрда уларни харид қилиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда реализация қилинган товарларнинг харид қийматини акс эттиринг (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМСнинг 13-банди).

**2-МИСОЛ.** Корхона товарларнинг 1 000 та бирлигини 70 000 сўмга сотиб олди. Ташиш, юк ортиш ва тушириш харажатлари – 5 000 минг сўм. Ҳисобот даврида товарларнинг 400 та бирлиги реализация қилинди.

Бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳўжалик операциясининг мазмуни  | Сумма, минг сўм     | Счётлар корреспондентцияси            |  |
|---|---------------------|---------------------------------------|--|
|   |                     | дебет                                 | кредит   |
| Товарлар харид қилингани акс эттирилди  | 70 000 (1 000 дона) | 2910-«Омбордаги товарлар»             | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» |
| Ташиш, юк ортиш ва тушириш харажатлари акс эттирилди                                | 5 000               | 2910-«Омбордаги товарлар»             | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» |
| Реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди (75 000 / 1 000 x 400) | 30 000 (400 дона)   | 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» | 2910-«Омбордаги товарлар»  |

Товарларнинг бутун туркуми таннархи харид қилиш, ташиш, юк ортиш ва тушириш ишлари қийматини ўз ичига олади ва 75 000 минг сўмга (70 000 + 5 000) тенг.

Бироқ 9120-счётда фақат реализация қилинган товарлар таннархи – 30 000 минг сўм акс эттирилади. Ушбу суммани корхона Ҳисоботнинг 020-сатрида акс эттиради.



Ишлаб чиқариш таннархини шакллантираётганда Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган) амал қилинг.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатларни киритинг (Низомнинг «Б» бўлими 1-банди).

СОЛИК 4  
БОЖХОНА



Ишлаб чиқариш таннархига қуйидаги харажатларни киритинг:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қўймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегishли бўлган ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

### Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда (зарар) (030-сатр)

Ушбу сатрда реализация қилишдан соф тушум (Ҳисоботнинг 010-сатри) ва реализация қилинган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг таннархи (Ҳисоботнинг 020-сатри) ўртасидаги фарқи акс эттиринг.

#### Давр харажатлари (040-сатр)

Давр харажатларига қуйидагиларни киритинг (Низомнинг «Б» бўлими 2-банди):

- сотиш харажатлари;

- маъмурий харажатлар;

- бошқа операцион харажатлар.

Давр харажатлари 050, 060 ва 070-сатрлар йиғиндисидан иборат бўлади.



Ҳисоботда фақат реализация қилинган маҳсулот бўйича таннарх акс эттирилса, давр харажатлари бўйича ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳисобот давридаги барча харажатлар акс эттирилади.

**МИСОЛ.** Корхона товарларнинг 1 000 та бирлигини 70 000 сўмга сотиб олди. Товарларни реклама қилиш харажатлари – 5 000 минг сўм. Ҳисобот даврида товарларнинг 400 та бирлиги реализация қилинди.

Бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни  | Сумма, минг сўм        | Счётлар корреспонденцияси             |  |
|---|------------------------|---------------------------------------|--|
|   |                        | дебет                                 | кредит   |
| Товар сотиб олингани акс эттирилди  | 70 000<br>(1 000 дона) | 2910-«Омбордаги товарлар»             | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» |
| Реклама харажатлари акс эттирилди   | 5 000                  | 9410-«Сотиш харажатлари»              | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» |
| Реализация қилинган товарларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди (70 000 / 1 000 x 400) | 28 000<br>(400 дона)   | 9120-«Сотилган товарларнинг таннархи» | 2910-«Омбордаги товарлар»  |

Бутун туркумнинг таннархи – 70 000 минг сўм.

Бироқ 9120-счётда фақат реализация қилинган товар таннархи – 28 000 минг сўм акс эттирилади. Корхона ушбу суммани Ҳисоботнинг 020-сатрида акс эттириши лозим.

Товарларнинг бутун туркуми реклама қилинишига қарамай, реклама харажатлари – 5 000 минг сўмнинг ҳаммаси 9410-счётда ҳамда Ҳисоботнинг 040 ва 050-сатрларида акс эттирилади.

#### 050-сатр – Сотиш харажатлари

Уларга қуйидаги харажатлар киреди:

- маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш;
- юк ортиш ва тушириш;
- маркетинг;
- реализация қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Уларнинг ҳисобини 9410-«Сотиш харажатлари» счётида юритинг.

#### 060-сатр – Маъмурий харажатлар

Улар қуйидаги харажатлардир:

- корхонани бошқариш бўйича;
- бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш;
- маъмурий эҳтиёжлар учун мўлжалланган асосий воситаларни таъмирлаш;



Бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни  | Сумма, АҚШ долларлари | Сумма, сўм | Счётлар корреспонденцияси  |  |
|---|-----------------------|------------|--|--|
|   |                       |            | дебет  | кредит   |
| Олдиндан тўлов ўтказилди (1 000 x 8 419,62)   | 1 000                 | 8 419 620  | 4330-«Бошқа берилган аванслар»                                     | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»                            |
| Корхонага реклама хизматлари кўрсатилгани акс эттирилди (2 000 x 8 441,36)                        | 2 000                 | 16 882 720 | 9410-«Сотиш харажатлари»   | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» |
| Курс фарқи акс эттирилди (1 000 x (8 441,36 – 8 419,62))  |                       | 21 740     | 4330-«Бошқа берилган аванслар»                                     | 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар»                      |
| Аванс ҳисобга олинди (1 000 x 8 441,36)   | 1 000                 | 8 441 360  | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» | 4330-«Бошқа берилган аванслар»                                     |
| Валюта счётини қайта баҳолаш акс эттирилди (1 000 x (8 445,49 – 8 419,62))                        |                       | 25 870     | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»                            | 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар»                      |
| Кредиторлик қарзини қайта баҳолаш акс эттирилди (1 000 x (8 445,49 – 8 441,36))                   |                       | 4 130      | 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар»                        | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» |
| Валюта счётидан қолган сумма ўтказилди (1 000 x 8 448,89)   | 1 000                 | 8 448 890  | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»                            |
| Кредиторлик қарзини сундириш пайтидаги курс фарқи акс эттирилди (1 000 x (8 448,89 – 8 445,49))   |                       | 3 400      | 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар»                        | 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» |
| Яқуний тўлов пайтида валюта счёти бўйича курс фарқи акс эттирилди (1 000 x (8 448,89 – 8 445,49)) |                       | 3 400      | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»                            | 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар»                      |

Ҳисобот даврида валюта курсларидаги фарқдан зарар 7 530 сўмни (4 130 + 3 400) ташкил этди. У Ҳисоботнинг 200-сатрида акс эттирилади.

#### 210-сатр – Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар

Ушбу сатрда қуйидаги харажатларни акс эттиринг:

- қимматли қозғоларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари (9630-счёт);
- бошқа харажатлар (9690-счёт).

#### Умумҳужалик фаолиятнинг фойдаси (зарари) (220-сатр)

220-сатрда умумҳужалик фаолиятдан олинган молиявий (110-сатр) суммасини қўшиш ва ундан молиявий фаолият натижани кўрсатинг, у асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) бўйича харажатлар (170-сатр) суммасини чегириш орқали (100-сатр) суммасига молиявий фаолиятнинг даромадлари аниқланади.



Умумҳужалик фаолиятдан олинган натижани аниқлаётганда асосий фаолиятдан олинган натижа белгисини ҳисобга олинг.

Ҳисоботнинг 100-сатрида зарар ҳосил бўлган бўлса, умумҳужалик фаолиятдан олинган натижани аниқлаётганда манфий белгилли зарар суммасини ҳисобга олинг.

**1-МИСОЛ.** Корхонанинг ҳисобот даврида асосий фаолиятдан олган фойдаси – 50 000 минг сўм. Молиявий фаолият бўйича даромадлар – 5 000 минг сўм. Молиявий фаолият бўйича харажатлар – 2 000 минг сўм.

Умумҳужалик фаолиятнинг фойдаси 53 000 минг сўмга (50 000 + 5 000 – 2 000) тенг. У Ҳисоботнинг 220-сатри 5-устунида акс эттирилади.

ОРМА

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



**160-сатр – Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари**

160-сатрда куйидаги даромадларни акс эттиринг:

- роялти кўринишидаги (9510-счёт);
- қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан (9560-счёт);
- бошқа даромадлар (9590-счёт).

**Молиявий фаолият бўйича харажатлар (170-сатр)**

170-сатр қийматини Ҳисоботнинг 180–210-сатрлари йиғиндиси сифатида аниқланг.

Ушбу сатрга куйидагиларни киритинг:

- фоизлар шаклидаги харажатлар;
- молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар;
- валюта курсларидаги фарқдан зарарлар;
- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

**180-сатр – Фоизлар шаклидаги харажатлар**

180-сатрда банк кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш учун харажатларни акс эттиринг. Уларнинг

**МИСОЛ.** Корхона ҳар ой банк кредити бўйича 2 000 минг сўм ва бошқа корхонадан олинган қарз бўйича 1 000 минг сўм миқдориди фоизларни тўлайди.

Бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳўжалик операциясининг мазмуни                          | Сумма, минг сўм | Счётлар корреспондентсияси             |                                      |
|---|-----------------|--|--------------------------------------|
|   |                 | дебет                                  | кредит                               |
| Кредит бўйича фоизлар ҳисобланди                        | 2 000           | 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» | 6920-«Ҳисобланган фоизлар»           |
| Қарз бўйича фоизлар ҳисобланди                          | 1 000           | 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» | 6920-«Ҳисобланган фоизлар»           |
| Қарз бўйича фоизлардан солиқ ушлаб қолинди (1 000 x 5%) | 50              | 6920-«Ҳисобланган фоизлар»             | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз» |
| Кредит ва қарз бўйича фоизлар тўланди                   | 2 000<br>950    | 6920-«Ҳисобланган фоизлар»             | 5110-«Ҳисоб-китоб счети»             |

Ҳисобланган фоизлар (солиқни инобатга олган ҳолда) 9610-счётнинг дебети бўйича ва Ҳисоботнинг 180-сатрида ҳисобот даврининг бошқа ойларидаги суммалар билан бирга акс эттирилади.

**190-сатр – Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар**

Ушбу сатрда молиявий ижара бўйича фоизларни тўлаш учун харажатларни акс эттиринг. Уларнинг ҳисобини ҳам 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётда юритинг.

Ҳисобланган фоизларни солиқни ушлаб қолмасдан ижарага берувчига ўтказинг (Солиқ кодексининг 156-моддаси).

**МИСОЛ.** Ҳисобот даври бошида валюта счётда 2 000 доллар бор.

Ҳисобот даврида:

- шартномага асосан валюта счётдан 1 000 доллар олдиндан тўлов ўтказилди;
- шартномага асосан корхонага 2 000 долларлик реклама хизматлари кўрсатилди;
- баланснинг валюта моддалари қайта баҳоланди;
- шартномага асосан валюта счётдан қолган 1 000 доллар ўтказилди.
- МБ маълумотларига кўра, долларнинг сўмга нисбатан курси куйидагича бўлган:
- олдиндан тўлов келиб тушган санада – 8 419,62 сўм;
- хизматлар кўрсатилган санада – 8 441,36 сўм;
- баланснинг валюта моддалари қайта баҳоланган санада – 8 445,49 сўм;
- қолган сумма ўтказилган санада – 8 448,89 сўм.



счётини 9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётда юритинг.

Агар сиз:

- кредит ташкилотига (банкка) кредит бўйича фоизларни тўласангиз, ҳисобланган бутун суммани ўтказинг. Кредит ташкилотлари олинган даромадлардан солиқларни мустақил равишда ушлаб қоладилар;
- бошқа корхоналарга қарзлар бўйича фоизларни тўласангиз, қарз берувчига солиқни (5% ёки норезидентлар учун 10%) чегирган ҳолда фоизларни ўтказинг. Қарзлар бўйича фоизларга тўлов манбаида солиқ солинади (Солиқ кодексининг 156-моддаси).

Ижарага берувчилар ўз даромадларидан солиқни мустақил равишда ушлаб қоладилар.

**200-сатр – Валюта курси фарқидан зарарлар**

200-сатрда валюта операциялари бўйича ва баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курс фарқларини акс эттиринг. Уларнинг ҳисобини 9620-«Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётда юритинг.

• умумҳўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган хоналарга ижара ҳақи;

- бошқалар.

Маъмурий харажатларнинг ҳисобини 9420-«Маъмурий харажатлар» счётда юритинг.

**070-сатр – Бошқа операция харажатлар**

Ушбу сатрда куйидаги харажатларни акс эттиринг:

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш;
- компенсациялаш ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар;

**Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (090-сатр)**

090-сатрда куйидагиларни акс эттиринг:

- асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда;
- ундирилган жарима ва пенялар;
- ўтган йиллар фойдаси;
- оператив ижарадан даромадлар;
- кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар;

**Асосий фаолиятдан фойда (зарар) (100-сатр)**

Ушбу сатрда корхонанинг асосий фаолияти молиявий натижаларини кўрсатинг. Уларни реализация қилишдан ялпи фойда (зарар)дан (030-сатр) давр харажатлари

• иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар;

- банкнинг, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ва қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг хизматларига ҳақ тўлаш;
- зарарлар, жарималар, пенялар;
- ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар.

Ушбу сатрга молиявий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатларни ва фавқулодда харажатларни киритманг. Улар алоҳида сатрларда акс эттирилади.

Бошқа операция харажатлар ҳисобини 9430-«Бошқа операция харажатлар» счётда юритинг.

• хизмат кўрсатувчи ҳўжаликларнинг даромадлари;

- беғараз молиявий ёрдам;
- бошқа операция даромадлар.

Бошқа даромадлар ҳисобини асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётларда (9300) юритинг.

(040-сатр) суммасини чегиринг, асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (090-сатр) суммасини кўшиш йўли билан аниқланг.



Асосий фаолиятдан олинган натижани аниқлаётганда маҳсулотларни реализация қилишдан олинган натижа белгисини ҳисобга олинг. Ҳисоботнинг 030-сатрида реализация қилишдан зарар ҳосил бўлган бўлса, асосий фаолиятдан олинган натижани аниқлаётганда манфий белгилли зарар қийматини ҳисобга олинг.

**1-МИСОЛ.** Корхонанинг ҳисобот даврида маҳсулотларни реализация қилишдан олган ялпи фойдаси 50 000 минг сўмни ташкил этди. Давр харажатлари – 30 000 минг сўм. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар – 5 000 минг сўм. Асосий фаолиятдан фойда 25 000 минг сўмга (50 000 – 30 000 + 5 000) тенг. У Ҳисоботнинг 100-сатри 5-устунида акс эттирилади.

**2-МИСОЛ.** Корхонанинг ҳисобот даврида маҳсулотларни реализация қилишдан кўрган зарари – 10 000 минг сўм. Давр харажатлари – 30 000 минг сўм. Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар – 5 000 минг сўм. Асосий фаолиятдан зарар 35 000 минг сўмни (–10 000 – 30 000 + 5 000) ташкил этади. У Ҳисоботнинг 100-сатри 6-устунида акс эттирилади.

**Молиявий фаолиятдан даромадлар (110-сатр)**

110-сатр қийматини 120–160-сатрлар йиғиндиси сифатида аниқланг.

Ушбу сатрга куйидаги даромадларни киритинг:

- дивидендлар шаклидаги;
- фоизлар шаклидаги;
- молиявий ижарадан;
- валюта курсларидаги фарқдан;

**120-сатр – Дивидендлар шаклидаги даромадлар**

Ушбу сатрда Ўзбекистон ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятда улушли иштирок этишдан олинган даромадлар, корхонага тегишли акциялар

• бошқа даромадлар.

Молиявий фаолиятдан даромадлар бошқа даромадлар жумласига қиради, бироқ корхонанинг асосий фаолияти натижаси ҳисобланмаслиги сабабли алоҳида гуруҳга ажратилган. Шу сабабли уларни 090-«Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари» сатрига киритиш керак эмас.

ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендларни акс эттиринг.

Уларнинг ҳисобини 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётда юритинг.



9520-счётда ва Ҳисоботда солиқни ҳисобга олган ҳолда муассисларнинг қарорига кўра ҳисобланган (тўланган эмас) дивидендлар суммасини акс эттиринг.



**МИСОЛ.** «А» корхонаси муассисларининг қарорига асосан дивидендлар ҳисобланди. «А» корхонасининг муассиси бўлган «Б» корхонасининг дивидендлари суммаси 30 000 минг сўмни ташкил этди.

«Б» корхонасидаги бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни          | Сумма, минг сўм | Счётлар корреспонденцияси             |  |
|---|-----------------|---------------------------------------|--|
|   |                 | дебет                                 | кредит                                     |
| Дивидендлар ҳисобланди                  | 30 000          | 4840-«Олинадиган дивидендлар»         | 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» |
| Тўлов манбаида солиқ ушлаб қолинди (5%) | 1 500           | 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»       |
|   |                 | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»  | 4840-«Олинадиган дивидендлар»              |
| Дивидендлар олингани акс эттирилди      | 28 500          | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»              | 4840-«Олинадиган дивидендлар»              |

Корхона 9520-счётда солиқни инобатга олган ҳолда ҳисобланган дивидендларнинг бутун суммаси – 30 000 минг сўмни акс эттиради. Бу сумма Ҳисоботда ҳам акс эттирилади.

**130-сатр – Фоишлар шаклидаги даромадлар**

Ушбу сатрда узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоишлар шаклидаги даромадларни акс эттиринг. Уларнинг ҳисобини 9530-«Фоишлар кўринишидаги даромадлар» счётида юритинг.

Фоишларни шартнома (қарз, банк хизматларини кўрсатиш, депозит омонати тўғрисидаги ва б.) асосида ҳисобланг.

**!** 9530-счётда ва Ҳисоботда шартнома асосида ҳисобланган (тўланган эмас) фоишлар суммасини акс эттиринг.

**МИСОЛ.** Қарз шартномасида 50 000 минг сўмлик қарз суммасининг 1% миқдориди ҳар ой фоиш тўлаш назарда тутилган.

Қарз берувчи корхонада бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни          | Сумма, минг сўм | Счётлар корреспонденцияси             |  |
|---|-----------------|---------------------------------------|--|
|   |                 | дебет                                 | кредит                                 |
| Фоишлар ҳисобланди (50 000 x 1%)        | 500             | 4830-«Олинадиган фоишлар»             | 9530-«Фоишлар кўринишидаги даромадлар» |
| Тўлов манбаида солиқ ушлаб қолинди (5%) | 25              | 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»   |
|   |                 | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»  | 4830-«Олинадиган фоишлар»              |
| Фоишлар олингани акс эттирилди          | 475             | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»              | 4830-«Олинадиган фоишлар»              |

Корхона 9530-счётда солиқни инобатга олган ҳолда ҳисобланган фоишларнинг бутун суммаси – 500 минг сўмни акс эттиради. Шу сумма (ҳисобот даврининг бошқа ойларидаги суммалар билан бирга) Ҳисоботда акс эттирилади.

**140-сатр – Молиявий ижарадан даромадлар**

Мол-мулкни молиявий ижарага беришдан олинган даромадлар корхонангиз учун бошқа даромад бўлса, уларни ушбу сатрда акс эттиринг. Ушбу ҳолатда ҳисобини 9550-«Молиявий ижарадан даромадлар» счётида юритасиз.

Молиявий ижара асосий фаолият тури бўлса, ижарадан фоиш тўловларини Ҳисоботнинг 010-«Махсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)ни сотишдан соф тушум» сатрида акс эттиринг. Ушбу ҳолатда даромадлар ҳисобини 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счётида юритинг.

**!** Молиявий ижарадан олинган даромадга фақат фоиш тўловини киритинг. Мол-мулк қийматини қоплаш даромад ҳисобланмайди.

СОЛИК ҲАМ БОЖХОНА

№ 30 (1302) • 2019 йил 23 июль

12

**МИСОЛ.** Ижарага берувчи корхона ҳар ой 12 000 минг сўм ижара тўловини олади. Шу жумладан 10 000 минг сўм – мол-мулк қийматининг бир қисми қоплами, 2 000 минг сўм – фоиш тўлови.

Ижарага берувчи корхонада бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни          | Сумма, минг сўм | Счётлар корреспонденцияси |   |
|---|-----------------|---------------------------|---|
|   |                 | дебет                     | кредит  |
| Ижарага берувчининг даромади ҳисобланди | 2 000           | 4830-«Олинадиган фоишлар» | 9550-«Молиявий ижарадан даромадлар»                     |
| Ижара тўлови олингани акс эттирилди     | 10 000          | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»  | 4810-«Молиявий ижара бўйича олиннадиган жорий тўловлар» |
|   |                 |                           | 4830-«Олинадиган фоишлар»                               |

Корхона 9550-счётда фоишли даромад суммаси – 2 000 минг сўмни акс эттиради. Шу сумма (ҳисобот даврининг бошқа ойларидаги суммалар билан бирга) Ҳисоботда акс эттирилади. 10 000 минг сўм ижарага олинган мол-мулк қийматининг қоплами бўлиб, ижарага берувчи корхонанинг даромади ҳисобланмайди.

**150-сатр – Валюта курсларидаги фарқдан даромадлар**

Ушбу сатрда валюта операциялари бўйича ижобий курс фарқларидан, шу жумладан баланснинг валюта моддалари-

ни қайта баҳолашдан даромадларни акс эттиринг. Уларнинг ҳисобини 9540-«Валюта курслари фарқидан даромадлар» счётида юритинг.

**МИСОЛ.** Ҳисобот даврида:

- шартномага асосан валюта счётига 1 000 доллар олдиндан тўлов келиб тушди;
- шартномага асосан 2 000 долларлик хизматлар кўрсатилди;
- баланснинг валюта моддалари қайта баҳоланди;
- шартномага асосан валюта счётига қолган 1 000 доллар келиб тушди.
- МБ маълумотларига кўра, долларнинг сўмга нисбатан курси куйидагича бўлган:
- олдиндан тўлов келиб тушган санада – 8 419,62 сўм;
- хизматлар кўрсатилган санада – 8 441,36 сўм;
- баланснинг валюта моддалари қайта баҳоланган санада – 8 445,49 сўм;
- қолган сумма келиб тушган санада – 8 448,89 сўм.



Бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни  | Сумма, АҚШ доллари | Сумма, сўм | Счётлар корреспонденцияси                             |  |
|---|--------------------|------------|---|--|
|   |                    |            | дебет   | кредит   |
| Олдиндан тўлов келиб тушди (1 000 x 8 419,62)   | 1 000              | 8 419 620  | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»               | 6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар»       |
| Хизматлар кўрсатилди (2 000 x 8 441,36)   | 2 000              | 16 882 720 | 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар» | 9030-«Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» |
| Курсдаги фарқ акс эттирилди (1 000 x (8 441,36 – 8 419,62))                                       |                    | 21 740     | 9620-«Валюта курслари фарқидан зарарлар»              | 6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар»       |
| Аванс ҳисобга олинди (1 000 x 8 441,36)   | 1 000              | 8 441 360  | 6310-«Харидор ва буюртмачилардан олинган аванслар»    | 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар»    |
| Валюта счёти қайта баҳолангани акс эттирилди (1 000 x (8 445,49 – 8 419,62))                      |                    | 25 870     | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»               | 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар»            |
| Дебиторлик қарзи қайта баҳолангани акс эттирилди (1 000 x (8 445,49 – 8 441,36))                  |                    | 4 130      | 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар» | 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар»            |
| Қолган сумма валюта счётига келиб тушгани акс эттирилди (1 000 x 8 448,89)                        | 1 000              | 8 448 890  | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»               | 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар»    |
| Дебиторлик қарзини сўндириш пайтидаги курс фарқи акс эттирилди (1 000 x (8 448,89 – 8 445,49))    |                    | 3 400      | 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олиннадиган счётлар» | 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар»            |
| Якуний тўлов пайтида валюта счёти бўйича курс фарқи акс эттирилди (1 000 x (8 448,89 – 8 445,49)) |                    | 3 400      | 5210-«Мамлакат ичидаги валюта счётлари»               | 9540-«Валюталар курслари фарқидан даромадлар»            |

Ҳисобот даврида валюта курсларидаги фарқдан даромад 36 800 сўмни (25 870 + 4 130 + 3 400 + 3 400) ташкил этди. У Ҳисоботнинг 150-сатрида акс эттирилади.

РЕКЛАМА

**ORMA**

**«КОРХОНА ЮРИСТИ»**

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талъимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.  
E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz



Январь—июль ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

5 600 000 x 12% = 672 000 сўмга тенг.

Январь—май ойларида 576 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Июль ойи учун солиқ суммаси 96 000 сўмга (672 000 – 576 000) тенг.

Январь—июль ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 5 600 сўмга (5 600 000 x 0,1%) тенг.

Январь—июнь ойларида ШЖБПҲга 4 800 сўм ўтказилган, июль ойи учун ажратмалар 800 сўмни (5 600 – 4 800) ташкил қилади.

Июль ойи учун бюджетга 95 200 сўм (96 000 – 800) ЖШДС ўтказилади.

Солиқ ушланганидан кейин ходим 704 000 сўм (800 000 – 96 000) иш ҳақи олади.

## 2-ВАЗИЯТ.

**Юридик шахсга турар жойни ижарага берувчи ходимнинг даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби**

*Ходимнинг меҳнатига январь—июль ойлари учун 1 100 000 сўмдан ҳақ тўланган. Ходим Тошкент шаҳрида жойлашган, майдони 40 кв.м бўлган турар жой биносини 1 январдан бошлаб ижарага бериш тўғрисида иш берувчи билан шартнома тузди ва ҳар ойда 1 000 000 сўм ижара ҳақи олади.*

□ Жисмоний шахсларнинг турар жойни ижарага топширишдан оладиган даромадларига солиқ солиш ижара (ёллаш) шартномасида назарда тутилган тўловдан қилиб чиқиб амалга оширилади, бироқ у турар жойни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаларидан ҳисоблаб чиқарилган миқдордан кам бўлмаслиги керак (ПҚ-4086-сон қарорға 24-илова).

□ Тошкент шаҳрида бир ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори этиб 1 кв.м турар жой учун 10 000 сўм; Нукус ва вилоят бўйсунувдаги шаҳарларда – 6 500 сўм; бошқа аҳоли пунктларида – 3 000 сўм белгиланган.

□ ШЖБПҲга бадаллар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича бажарилган ишлар учун олинган даромадлардан ҳисоблаб ёзилди. Ижара ҳақи тарзидаги даромадлар мулкӣ даромад бўлганлиги ва ишлар бажариш билан боғлиқ бўлмаганлиги боис, ундан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.

Ижара ҳақидан ЖШДС суммасини ҳисоблаймиз. Мазкур ҳолатда унинг энг кам суммаси 400 000 сўмни (10 000 x 40) ташкил этади, у ҳақиқатдаги ижара ҳақидан камлиги боис шартномада назарда тутилган суммадан солиқ ҳисобланади:

1 000 000 x 12% = 120 000 сўм.

Январь—июль ойлари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромаддан солиқни ҳисоблаймиз:

7 700 000 x 12% = 924 000 сўм.

Январь—июнь ойларида 792 000 сўм солиқ ушлаб қолинган. Июль ойи учун солиқ суммаси 132 000 сўмни (924 000 – 792 000) ташкил қилади.

Январь—июль ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 7 700 сўмга (7 700 000 x 0,1%) тенг.

Январь—июнь ойларида ШЖБПҲга 6 600 сўм ўтказилган, июль ойи учун ажратмалар 1 100 сўмни (7 700 – 6 600) ташкил қилади.

Июль ойи учун бюджетга 130 900 сўм солиқ (132 000 – 1 100) ўтказилади.

Солиқ ушлаб қолинганидан кейин ходимга 1 848 000 сўм иш ҳақи (1 100 000 + 1 000 000 – 132 000 – 120 000) тўланади.

## 3-ВАЗИЯТ.

**ШЖБПҲга ихтиёрӣ бадаллар ўтказувчи ходимнинг даромадларидан солиқ ҳисоб-китоби**

*Ходимга йил бошидан оғига 1 200 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Январь—июнь ойларидаги жами даромад 8 400 000 сўмни (1 200 000 x 7) ташкил қилди. Февраль ойида ходим бухгалтерияга ҳар ойда унинг иш ҳақидан 500 000 сўмни ШЖБПҲга ихтиёрӣ бадал сифатида ўтказишни сўраб ариза тақдим этди.*

□ ШЖБПҲга ихтиёрӣ бадаллар суммаси ходимнинг солиқ солинадиган даромадларини аниқлашда чегириб ташланади (Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-банди).

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

8 400 000 – 3 000 000 = 5 400 000 сўм.

Январь—июль ойлари учун солиқни ҳисоблаймиз:

5 400 000 x 12% = 648 000 сўм.

Январь—июнь ойларида 564 000 сўм ЖШДС ушлаб қолинган. Июль ойи учун солиқ суммаси 84 000 сўмга (648 000 – 564 000) тенг.


Январь—июль ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 5 400 сўмни ((5 400 000 x 0,1%) ташкил этади.

Январь—июнь ойларида ШЖБПҲга 4 700 сўм ўтказилган, июль ойи учун ажратмалар 700 сўмни (5 400 – 4 700) ташкил қилади.

Июль ойи учун бюджетга 83 300 сўм (84 000 – 700) ЖШДС ўтказилади.

Солиқ ва ШЖБПҲга ихтиёрӣ ўтказилган бадал чегирилгандан кейин ходимга 616 000 сўм (1 200 000 – 500 000 – 84 000) иш ҳақи тўланади.

*Ҳисоб-китоб услубиятини экспертимиш Муҳиддин ЗАЙНУДДИНОВ тайёрлади.*



# 2019 йилнинг июль ойи учун жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби услубияти\*

**Июль ойида иш соатлари сони:**

5 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 184;

6 кунлик (40 соатлик) иш ҳафтасида – 181;

36 соатлик иш ҳафтасида – 162.

**Иш кунлари сони:**

5 кунлик иш ҳафтасида – 23;

6 кунлик иш ҳафтасида – 27.

- 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг айрим турдаги даромадларига энг кам ставка бўйича ЖШДС солиниши бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсларнинг барча даромадларига 12%лик ставка бўйича солиқ солинади (Солиқ кодексининг 181-моддаси 1-қисми).
- Январь—июль ойлари учун энг кам иш ҳақи (ЭКИҲ) миқдори 1 419 110 сўмни (13.10.2018 йилдаги ПФ-5553-сон) ташкил этади.
- Бутун йил давомида ЖШДСни ва ЭКИҲ бараварида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқаришда 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра белгиланган ЭКИҲ – 202 730 сўм қўлланади (Солиқ кодекси 186-моддасининг 1-қисми).
- 2019 йилда фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий ойлик бадаллари ставкаси ходимга ҳисобланган иш ҳақи (даромад) солиқ солинадиган суммасининг 0,1%ини ташкил этади (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорнинг 5-банди).
- ШЖБПҲга мажбурий бадаллар ҳисоблаб ёзилган ЖШДСдан чегирилади (АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 3-банди).
- Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинандиган сугурта бадаллари тўлови бекор қилинди (29.06.2018 йилдаги ПФ-5468-сон Фармоннинг 2-банди «а» кичик банди).

## I. АНЪАНАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ

*Ходимнинг январь—июль ойларидаги ойлик иш ҳақи 1 000 000 сўмни, йил бошидан – 7 000 000 сўмни (1 000 000 x 7) ташкил қилди.*

Олинган даромадга 12%лик ставка бўйича солинадиган ЖШДС:

7 000 000 x 12% = 840 000 сўмга тенг.

Январь—июнь ойларида 720 000 сўм ушлаб қолинган. Июль ойи учун солиқ суммаси 120 000 сўмга (840 000 – 720 000) тенг.

Январь—июль ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 7 000 сўмни (7 000 000 x 0,1%) ташкил қилади.

Январь—июнь ойлари учун ШЖБПҲга 6 000 сўм ўтказилган, июль ойи учун ажратмалар 1 000 сўмни (7 000 – 6 000) ташкил этади.

Июль ойи учун бюджетга 119 000 сўм (120 000 – 1 000) ўтказилади.

ЖШДС ва мажбурий бадаллар ушланганидан кейин ходимга 880 000 сўм (1 000 000 – 120 000) тўланади.

\*Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисоб-китоби услубияти январь ойи учун «СБХ»нинг 29.01.2019 йилдаги 5 (1277)-сонида, февраль ойи учун 26.02.2019 йилдаги 9 (1281)-сонида, март ойи учун 26.03.2019 йилдаги 13 (1285)-сонида, апрель ойи учун 23.04.2019 йилдаги 17 (1289)-сонида, май ойи учун 21.05.2019 йилдаги 21 (1293)-сонида, июнь ойи учун 25.06.2019 йилдаги 26 (1298)-сонида чоп этилган.



## II. ИМТИЁЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

### 1-ВАЗИЯТ

**Даромаддан ЭКИХнинг 4 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

Солиқ кодексининг 180-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг январь-июль ойларидаги меҳнат ҳақи 12 600 000 сўмини (1 800 000 x 7) ташкил қилди.

□ Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган шки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда ЭКИХнинг 4 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

12 600 000 – (1 419 110 x 4) = 6 923 560 сўмга тенг.

Январь-июль ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

6 923 560 x 12% = 830 827,2 сўм.

Январь-июль ойларида 712 137,6 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Июль ойи учун солиқ суммаси 118 689,6 сўмга (830 827,2 – 712 137,6) тенг.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар 6 923,56 сўмини (6 923 560 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-июль ойларида ШЖБПҲга 5 934,48 сўм ўтказилган, июль ойи учун ажратмалар 989,08 сўмини (6 923,56 – 5 934,48) ташкил қилади.

Июль ойи учун бюджетга 117 700,52 сўм (118 689,6 – 989,08) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 681 310,4 сўм (1 800 000 – 118 689,6) иш ҳақи олади.

### 2-ВАЗИЯТ

**Даромаддан ЭКИХнинг 4 бараварига тенг сумма чиқариб ташланадиган имтиёз қўлланилган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

Солиқ кодексининг 180-моддасига мувофиқ имтиёзга эга бўлган ходимнинг январь-июль ойларидаги меҳнат ҳақи 5 600 000 сўмини (800 000 x 7) ташкил қилди.

□ Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисмига мувофиқ ушбу имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг (масалан, 16 ёшдан ошмаган шки ва ундан ортиқ болалари бўлган ёлғиз оналар) жами даромадидан ҳар ойда ЭКИХнинг 4 бараварига тенг сумма чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган даромадни ҳисоб-китоб қиламиз:

1 419 110 x 4 = 5 676 440 сўмга тенг.

Ходимнинг даромади (5 600 000 сўм) имтиёз миқдоридан (5 676 440 сўм) кам бўлганлиги боис январь-июль ойлари учун солиқ ҳисобланмайди.

ШЖБПҲга мажбурий бадаллар солиқ солинадиган даромад мавжуд бўлмаганлиги сабабли ҳисобланмайди.

Ходим қўлига июль ойи учун 800 000 сўм иш ҳақи олади.

### 3-ВАЗИЯТ

**Моддий ёрдам олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

Ходимнинг меҳнатига январь-июль ойлари учун 1 400 000 сўмдан ҳақ тўланган. Унга фарзандли бўлганлиги муносабати билан 2 600 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

□ Солиқ кодексининг 179-моддаси 1-бандининг 3 ва 4-хатбошиларига кўра бир йил давомида ЭКИХнинг 12 бараваригача миқдорда бериладиган куйидаги моддий ёрдам суммаларига: вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этганлиги муносабати билан ходимга бериладиган тўловлар; ходимга меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд соғлиққа бошқача шикаст етганлиги билан боғлиқ тўловлар; бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган тўловлар; қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини бериш ёки уларни сотиб олиш учун маблағлар бериш тарзидаги тўловларга ЖШДС солинмайди (Солиқ кодексининг 178-моддаси 16-банди). Йил мобайнида ҳисоб-китоб қилишда йил бошида амал қилган ЭКИХ қўлланилади (202 730 x 12 = 2 432 760 сўм).

Солиқ солинадиган даромад январь-июль ойлари учун 9 967 240 сўмга ((1 400 000 x 7) + 2 600 000 – 2 432 760) тенг.

Январь-июль ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

9 967 240 x 12% = 1 196 068,8 сўм.

Январь-июль ойларида 1 028 068,8 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Июль ойида солиқ суммаси 168 000 сўмга (1 196 068,8 – 1 028 068,8) тенг.

Январь-июль ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 9 967,24 сўмини (9 967 240 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-июль ойларида 8 567,24 сўм ўтказилган, июль ойи учун ажратмалар 1 400 сўмини (9 967,24 – 8 567,24) ташкил қилади.

Июль ойи учун бюджетга 166 600 сўм (168 000 – 1 400) ЖШДС ўтказилади.

Ходим 1 232 000 сўм (1 400 000 – 168 000) иш ҳақи олади.

СОЛИҚ ВА  
БОЖХОНА

№ 30 (1302) ■ 2019 йил 23 июль

14

### 4-ВАЗИЯТ

**Қимматбаҳо совға олинганда имтиёзни ҳисобга олган ҳолда ЖШДС ҳисоб-китоби**

Ходимнинг меҳнатига январь-июль ойларида 1 500 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида 2 000 000 сўмлик смартфон совға қилинди.

□ Солиқ кодексининг 179-моддаси 14-бандига кўра бир йил мобайнида юридик шахслардан ЭКИХнинг 6 баравари миқдоригача бўлган суммада олинган совғаларнинг қийматига солиқ солинмайди. Бунда йил мобайнида ҳисоб-китоб қилишда йил бошида амал қилган ЭКИХ қўлланилади (202 730 x 6 = 1 216 380 сўм).

Январь-июль ойлари учун солиқ солинадиган даромад 11 283 620 сўмга (1 500 000 x 7) + 2 000 000 – 1 216 380) тенг.

Январь-июль ойлари учун солиқни ҳисоблаб ёзамиз:

11 283 620 x 12% = 1 354 034,4 сўм.

Январь-июль ойларида 1 174 034,4 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Июль ойи учун солиқ суммаси 180 000 сўмни (1 354 034,4 – 1 174 034,4) ташкил қилади.

Январь-июль ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 11 283,62 сўмга (11 283 620 x 0,1%) тенг.

Январь-июль ойларида ШЖБПҲга 9 783,62 сўм ўтказилган, июль ойи учун ажратмалар 1 500 сўмини (11 283,62 – 9 783,62) ташкил қилади.

Июль ойи учун бюджетга 178 500 сўм (180 000 – 1 500) ЖШДС ўтказилади.

Ходим қўлига 1 320 000 сўм (1 500 000 – 180 000) иш ҳақи олади.

### 5-ВАЗИЯТ

**Бир нечта имтиёзни ҳисобга олган ҳолда (ҳар ойда даромаддан ЭКИХнинг 4 бараварига тенг суммани чегириш, моддий ёрдам ва қимматбаҳо совға олинганда) ЖШДС ҳисоб-китоби**

Солиқ кодексининг 180-моддасига кўра имтиёзга ҳақли бўлган ходимга январь-июль ойларида 1 500 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Унга январь ойида никоҳдан ўтиши муносабати билан 3 000 000 сўм моддий ёрдам кўрсатилган ва 1 800 000 сўмлик қийматга эга совға топширилган. Январь-июль ойлари учун жами даромад 15 300 000 сўмни ((1 500 000 x 7) + 3 000 000 + 1 800 000) ташкил қилди.

Қуйидагиларга мувофиқ:

□ Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисмига мувофиқ имтиёз олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимнинг солиқ солинадиган даромадидан ҳар ойда ЭКИХнинг 4 бараварига тенг сумма (1 419 110 x 4 = 5 676 440 сўм) чиқариб ташланади;

□ Солиқ кодексининг 179-моддаси 1-бандига мувофиқ, бир йил давомида ЭКИХнинг 12 бараваригача (202 730 x 12 = 2 432 760 сўм) миқдорда бериладиган моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинмайди;

□ Солиқ кодексининг 179-моддаси 14-бандига кўра юридик шахслардан бир йил мобайнида ЭКИХнинг 6 баравари (202 730 x 6 = 1 216 380 сўм) миқдоригача олинган совғаларнинг қийматига ЖШДС солинмайди.

Солиқ солинадиган даромадни аниқлаймиз:

10 500 000 – 5 676 440 + 3 000 000 – 2 432 760 + 1 800 000 – 1 216 380 = 5 974 420 сўм.

Январь-июль ойлари учун солиқни ҳисоб-китоб қиламиз:

5 974 420 x 12% = 716 930,4 сўм.

Январь-июль ойларида 634 240,8 сўм солиқ ушлаб қўлинган. Июль ойи учун солиқ суммаси 82 689,6 сўмга (716 930,4 – 634 240,8) тенг.

Январь-июль ойлари учун ШЖБПҲга мажбурий бадаллар суммаси 5 974,42 сўмини (5 974 420 x 0,1%) ташкил этади.

Январь-июль ойларида ШЖБПҲга 5 285,34 сўм ўтказилган, июль ойи учун ажратмалар 689,08 сўмини (5 974,42 – 5 285,34) ташкил қилади.

Июль ойида бюджетга 82 000,52 сўм (82 689,6 – 689,08) солиқ ўтказилади.

Ходим қўлига 1 417 310,04 сўм (1 500 000 – 82 689,6) олади.

## III. ОДАТДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТЛАР

### 1-ВАЗИЯТ.

**Ўриндош ходим даромадларидан ЖШДС ҳисоб-китоби**

Солиқ кодексининг 180-моддаси 2-қисмида назарда тутилган имтиёзга эга ўриндош ходимга январь-июль ойларида 800 000 сўмдан иш ҳақи тўланган. Январь-июль ойлари учун жами даромад 5 600 000 сўмни (800 000 x 7) ташкил қилди.

□ Асосий бўлмаган иш жойидан ёки бошқа юридик шахслардан олинган даромадларга тўлов манбаида ЖШДСни ҳисоблаб чиқариш Солиқ кодексининг 180-моддасида назарда тутилган имтиёзни қўлламасдан жами даромад суммасидан амалга оширилади (Солиқ кодексининг 186-моддаси 8-қисми).



✉ ПОЧТА ҚУТИСИ

## 2-УСУЛНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

**?** Бугун 1-усул бўйича баҳолашни ўтказиш имконсиз бўлиб турибди. Божхонада 2-усул бўйича аниқлаш кераклигини айтишди.

Товар тўлиқ йиғилганда йиғилган кўринишига мос келувчи қисмларга ажратилган товарни ушбу усул билан баҳолаша бўладими? Бу қандай қилинади?

6.2-усулни қўллаганда баҳолаш бир хил бўладими ёки унда қандайдир қўшимчалар борми?

Бу масала Божхона кодексида ташқари яна қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади?

Товар долларда баҳоланадими ёки дарҳол курс бўйича миллий валютага ўтказиш керакми?

И.Ҳамидуллин, ХК.

– 2-усул божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун асос сифатида айнан бир хил товарга доир битимнинг қиймати қабул қилинишини назарда тутати.

Айнан бир хил товар деганда баҳоланаётган товар билан физик хусусиятларига, сифатига ва бозордаги кадрига кўра бир хил бўлган; баҳоланаётган товар қайси мамлакатда ишлаб чиқарилган бўлса, шу мамлакатда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасига олиб кириш учун сотилган; баҳоланаётган товарни ишлаб чиқарган айни ўша шахс томонидан ишлаб чиқарилган товар тушунилади (БК 309-моддаси).

**Маълумот учун.** Агар товарнинг битим қиймати Ўзбекистон Республикасида бажарилган лойиҳаланишнинг, тажриба-конструкторлик ишларининг, бадий безатишнинг, дизайннинг, эскизларнинг ёки чизмаларнинг қийматини ўз ичига олган бўлса, айнан бир хил товар деб ҳисобланмайди.

Импорт қилинадиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш бўйича йўриқнома (АВ томонидан 13.01.1998 йилда 390-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан тартибга солинади.

## Йиғилганда айнан бир хил

Товарнинг ташқи кўринишидаги жузъий фарқлар, агар бундай товар қолган жиҳатлари билан кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлса, унга айнан бир хил деб қарашни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Масалан, бир ҳолда боғлар ва полизлар учун инсектицидди пуркагич қисмларга бўлинган ва суоқликсиз (дорисиз), иккинчи ҳолда эса захарловчи дори билан тўлдирилган ва йиғилган ҳолатдаги худди шундай пуркагичлар етказиб берилади, дейлик.

Пуркагич иккита йиғма қисмдан иборат бўлади: насос ва қопқоғига бириктирилган учлик ва захарли моддалар учун контейнер (идиш). Қисмларга бўлинган пуркагичларни ишлайдиган ҳолатга келтириш учун контейнер суоқлик билан тўлдирилади ва қопқоғи беркитилади. Ишлатиш учун тайёрланган пуркагичлар таккосласа бўладиган (ўхшаш) ҳолга келади, ҳамма жиҳатларига кўра, шу жумладан, физик хусусиятлари ва кадрига кўра бозорда худди шунингдек товарлар тарзида тақдим этилади, бир мамлакатда у қисмларга бўлинган ҳолида, бошқасида эса йиғилган ҳолида қўйилиши бундан мустаснодир. Йиғишга доир операция айнан бир хил ёки шунга ўхшаган товарлар тарзида кўриб чиқилаётган йиғилмаган ёки йиғилган товарлардаги фарқларнинг бартараф этилишига олиб келади.

Шундай қилиб, товарларнинг бир ҳолатда йиғилган ҳолида, бошқа ҳолатда эса – қисмларга бўлинган ҳолида етказиб берилиши уларни айнан бир хил товарлар тарзида кўриб чиқишни истисно эта олмайди (390-сон Йўриқноманинг 4.2-банди).

## 2-усул бўйича баҳолаймиз

Агар айнан бир хил товар божхона ҳудудига:

- баҳоланаётган товар олиб кирилгунга қадар 90 календарь кун ичида олиб кирилган бўлса;

- тахминан ўша миқдорда ва (ёки) ўша тижорат шартларида олиб кирилган бўлса, айнан бир хил товар юзасидан тузилган битимнинг қиймати баҳоланаётган товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун асос сифатида қабул қилинади.

Агар товарни ўша миқдорда ва ўша тижорат шартларида божхона ҳудудига олиб кириш ҳоллари қайд этилмаган бўлса, бошқача миқдорда ва бошқа тижорат шартларида олиб кирилган айнан бир хил товарнинг қийматидан фойдаланиш мумкин. Бунда битимнинг нархига ушбу фарқлар ҳисобга олинб, тузатишлар киритилади.

Агар айнан бир хил товар учун товарни божхона ҳудудига олиб кириладиган жойгача етказиб берилгунга қадар қилинадиган харажатларнинг қиймати баҳоланаётган товар учун шундай харажатларнинг қийматидан масофа ва транспортнинг турларидаги тафовут туфайли анча фарқ қилса, айнан бир хил товарга доир битимнинг қийматига кўра аниқланадиган божхона қийматига тегишли тарзда тузатишлар киритилиши керак.

Баҳоланаётган товарнинг божхона қийматига тузатишлар киритиш тўғриси ва ҳужжат билан тасдиқланган маълумотлар асосида амалга оширилиши лозим (390-сон Йўриқноманинг 4.4-банди).

**Маълумот учун.** 2-усул қўлланганда айнан бир хил товар билан тузиладиган бир неча битим аниқланган тақдирда баҳоланаётган товарнинг божхона қийматини белгилаш учун айнан бир хил товар билан тузилган товар нархи бўйича энг паст нарх қўлланади.

## 6.2-Резерв усул

Бошқа усулларни кетма-кетликда қўллаш орқали аниқлаш мумкин бўлмаган баҳоланаётган товарнинг божхона қиймати муқддатларни қўллаш, товарларнинг ишлаб чиқарилган мамлакатини, айнан бир хиллигини ёки ўхшашлигини аниқлашга доир улар талабларини бир мунча қайишқоқлик билан қўллаш орқали аниқланади (БКнинг 313-моддаси; 390-сон Йўриқноманинг 8.1-банди).

Масалан, айнан бир хил товарларга нисбатан қайишқоқлик айнан бир хил товарларни олиб келиш муқддатлари юзасидан йўл қўйилиши мумкин. Бироқ божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида экспорт қилувчи мамлакатда бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ва божхонада баҳолашни лозим бўлган товарларни экспорт қилувчи мамлакатдан бошқа қайсидир ўзга мамлакатда ишлаб чиқарилган худди шунингдек импорт қилинган товарлар кўриб чиқиши мумкин. Шунингдек, қайишқоқлик айнан бир хил импорт қилинган товарларнинг илгари 4 (қийматларни чегирини асосида) ва 5-усулларга (қийматларни қўйиш асосида) кўра белгиланган божхона қийматидан фойдаланишга нисбатан йўл қўйилади.

«Божхона» бўлимини Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.



6-усулни қўллашда ҳужжатлар орқали тасдиқлашга нисбатан талаблар бошқа усулларга нисбатан кўпроқ қайишқоқликка йўл қўяди. Бунга жаҳон нархлари, ички бозордаги нархлар бўйича ахборот билдиргичларидан фойдаланиш; комиссия рағбатлантириш ҳақлари, чегирмалар, фойда, транспорт тарифлари ва шу қабиларнинг умумий қабул қилинган даражалари ҳақидаги статистик маълумотлардан фойдаланиш қиради. Бунда баҳоланаётган товарларнинг етказиб берилиш шартларини ҳисобга олган ҳолда маълумотлар албатта тегишли равишда ўзгартрилиши лозим (390-сон Йўриқноманинг 8.4-банди).

**Маълумот учун.** 6, хусусан, 6.2-усул қўлланилган тақдирда божхона органи ходими олиб кириладиган айнан бир хил товарнинг нархи тўғрисидаги ва божхона қийматини эълон қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни бериши керак, тижорат сирини ташқи этувчи ахборот бундан мустасно.

## Валютани қайта ҳисоблаш тўғрисида

Божхона қиймати декларацияси (БКД) божхона юк декларациясининг (БЮД) ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Бу божхона органига БЮД билан бир пайтда топшириладиган ҳужжатдир. Уни тўлдириш тартиби Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (АВ томонидан 14.03.2017 йилда 2868-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган.

**Маълумот учун.** Товарларнинг божхона қиймати 2 ва 6.2-усуллар орқали аниқланганда БКД-2 шакли тўлдирилади (2868-сон Йўриқномага 2-илова).

2868-сон Йўриқномада айтилишича, 186-графага тўлдиришда 18а-графада кўрсатилган ЎЗР Марказий банки томонидан белгиланган, БЮД божхона расмийлаштирувига қабул қилинган кундаги миллий валюта курси бўйича АҚШ долларига қайта ҳисобланган баҳоланаётган товарнинг божхона қиймати кўрсатилади.

Бу, олиб кириладиган товарнинг айнан бир хил товар баҳоланган валютада ифодаланган нархи, Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига қайта ҳисобланиши керак деганидир.

**Маълумот учун.** БКД-2 нинг биринчи асосий варағи барча усуллар учун умумий (яёна) ҳисобланади.

БКД-2 нинг иккинчи асосий варағи товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усулига қараб белгиланган 5 та туридан бири бўлиши мумкин. Хусусан, БКД-2 нинг иккинчи ва қўшимча варақларининг тегишли вариантлари товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг 2-усулини ва резерв усулини (6.2-усул) қўллаш орқали амалга оширилганда фойдаланилади.



# ИМТИЁЗЛАР БЕКОР ҚИЛИНИБ, СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ ЯРАТИЛМОҚДА

← **1-бетда** киригиш назарда тутилган. Жумладан, Президентнинг:

• «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (16.01.2018 йилдаги ПФ-5303-сон) асосан 2020 йил 1 январга қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган озиқ-овқат махсу-

лоти «Ўзбекистон» ЁАЖ, «Ўзавтосаноат» АК, шунингдек 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ автомобилларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бутловчи буюмлар, материаллар ва технологик жиҳозлар ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналар томонидан олиб келинадиган махсулотларга ҚҚС бўйича имтиёзлар татбиқ этилмайди;

рўйхат бўйича 2021 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (ҚҚС ва божхона расмийлаштируви учун тўловлардан ташқари) озод қилинади;

• «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори (16.01.2019 йилдаги ПҚ-4118-сон) билан божхона тўловларидан озод қилинган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш мақсадида импорт қилинадиган ёғ-мой хом ашёлари ҳамма ТИФ ТН кодлари 1201 – 1207 гуруҳига ҚҚС бўйича имтиёзлар татбиқ этилмаслиги белгиланди;

• «Оқ ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (6.03.2019 йилдаги ПҚ-4230-сон) 9-бандига қўра, 2022 йил 1 январга қадар:

– локомотивлар, темир йўл вагонлари ва бутловчилар (ТИФ ТН коди 8601 – 8607), барча тиндаги юк контейнерлари (ТИФ ТН коди 8609), учуш аппаратлари (ТИФ ТН коди 8802) божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари);

– ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошмаган, юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8701 20, 8704 21 (рефрижераторлар), 8704 22, 8704 23 (самосваллардан ташқари), 8716 31, 8716 39) ва авиация ёқилғиси божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинади.

*Давра суҳбати якунида иштирокчиларга божхона органлари туну кун иш режимини ишлаётгани, экспортни ривожлантиришида бу орган тадбиркорларга яқин кўмакчи бўлаётгани яна бир бор таъкидланди. Ҳар бир масала юзасидан божхона бошқармаси раҳбарияти ва тегишли бўлимларга муурожаат қилиш мумкинлиги, тез фурсатларда тегишли амалий ёрдам кўрсатилиши ҳамда божхона қўлобузарликлари ҳақида ДБКнинг қисқа рақамли «11-08» ишонч телефонида кўнгирок қилиш мумкинлиги эслатиб ўтилоди.*

Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг «Донни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (24.08.2018 йилдаги 684-сон) мувофиқ 2020 йил 1 январга қадар божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган **бўғдой махсулотларига нисбатан** ҚҚС бўйича имтиёзлар татбиқ этилмаслиги белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда божхона божлари микдорини ўзгартириш тўғрисидаги қарор бозорнинг ушбу махсулот билан таъминланганлиги ва истеъмолчи қайси нархда етиб бориши каби жиҳатларни батафсил ўргангандан кейин амалга оширилади.

Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бир қатор бошқа идоралар томонидан тариф сиёсатининг босқичма-босқич ўзгартирилиши, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўз махсулоти сифатини яхшилашга ҳамда тариф ва нотариф таъсирларни якуний босқичда халқаро бозорга уйғунлаштиришга имконият беради.

Давра суҳбати давомида иштирокчилар, шунингдек, божхона соҳасида қабул қилинаётган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари билан таништирилди, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган бу ҳужжатларни такомиллаштиришда ТИФ қатнашчиларининг ҳам фаол иштирок этишлари лозимлиги таъкидланди.

## ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Божхона ходимлари ташқи иқтисодий фаолият йўналишидаги бир қатор божхона қондабузарликларига чек қўйишди.

## ТЎЛОВЛАРДАН БЎЙИН ТОВЛАБ...

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Чуқурсой» ТИФ божхона пости ходимлари пойтахтимизда фаолият юритаётган МЧЖлардан бирининг номига хориждан темир йўл контейнерида келган юклар – «Уй-рўзгор товарлари»ни божхона кўригидан ўтказишди. Кўрик давомида божхона юк декларациясида ҳамда юк-кузатув ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқча товарлар – 400 рулон «Мебель учун лента» ҳамда 278 дона «Ошхона пичоқлари» борлиги аниқланди.

«Арк булок» ТИФ божхона пости ходимлари ҳам корхоналардан бирининг номига келган ҳўл меваларни божхона кўригидан ўтказганда юк-кузатув ҳужжатлари билан божхона юк декларациясида тафовутлар борлигини аниқлашди. Натжижада ҳужжатларда кўрсатилганидан кейин 2,3 тонна махсулот учун 70,6 млн сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

«Тошкент-товар» ТИФ божхона пости ходимлари томонидан хориждан корхона номига келтирилган «ресторан анжомлари» божхона кўригидан ўтказилганда БЮДда ҳамда юк-кузатув ҳужжатларида кўрсатилмаган 36 дона юмшок мебеллар ҳамда кўрсатилганидан ортиқча 768 дона товарлар – «Идиш товоқлар», «Газ плитаси» борлиги аниқланди.

«Сергели» ТИФ божхона пости ходимлари божхона кўригида аниқлаган ҳолатда тегишли ҳужжатларда кўрсатилмаган умумий оғирлиги 3 тоннадан ортиқ бўлган «Металл пардалар учун ушлагичлар» борлиги маълум бўлди. Натжижада жами 10,7 млн сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширув ҳаракатлари бошлаб юборилган.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.



лотлари ва хом ашёларнинг айрим турлари Рўйхатида тирик йирик қорамол, тирик қўй ва эчкилардан ташқари йирик қорамол гўшти, қўй ёки эчки гўшти, картошка, гуруч, соя ловияси, кунгабоқар уруғи, кунжут уруғи ва шакар хом ашёсига ҚҚС бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмаслиги белгиланди;

• «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (29.03.2018 йилдаги ПФ-5388-сон) билан мева-сабзавот махсулотларини ташишга ихтисослашган транспорт воситаларига ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) кодлари (870120, 870421, 870422, 871639) берилган божхона имтиёзлари бекор қилинди;

• «Хорижий инвестициялар иштирокида «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида»ги қарори (21.02.2008 йилдаги ПҚ-800-сон) билан божхона тўловларидан имтиёз қўлланилиши белгиланган «Женерал Моторс

• «Мамлакат иқтисодий тизимининг тармоқларини тубдан юқори бўлган махсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (17.01.2018 йилдаги ПҚ-3479-сон) билан тасдиқланган 2020 йил 1 январга қадар муддатга импорт қилишда божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёз бериладиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) махсулот, хом ашё ва материалларга ҚҚС бўйича имтиёзлар татбиқ этилмаслиги белгиланди;

• «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (26.04.2018 йилдаги ПҚ-3680-сон) 13-бандига мувофиқ 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва унинг ҳудудида четдан келтириладиган кишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда кишлоқ хўжалиги транспорт воситалари белгиланган тартибда тасдиқланган

**СОЛИК 4 ХАБАРЛАРИ**  
**БОЖХОНА**

Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета

**ТАЪСИСЧИ**  
«Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта шебанба кунлари чиқиди.

Бош муҳаррир  
**Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОВ**

Нашр учун масъул – бош муҳаррир уринбосари, масъул котиб  
**Нодир Носирович АЛИМОВ**

Адабий муҳаррир  
**Зулфия Саидмуратовна РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи  
**Наталья БАРАНОВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1

**ТЕЛЕФОН/ФАКС**  
Тахририят: (71) 200-00-90;  
E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теришди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳорис халиқининг нарҳда. Буюртма т-715. Адади 800. Газета 2019 йил 22 июль соат 15.00 да топирилди.